

Боқий фикр

Болаларимизнинг қалбида
ғўзаллик ва эзгуликка
интилишни кучайтириш
ва шу асосда жамия-
тимизнинг маданий
савиясини ошириш — биз
учун устувор вазифа.

Ислом КАРИМОВ



Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 31-dekabr, chorshanba № 104 (8753)

БОЛАЛАРНИНГ ШОДОН КУЛГИСИ

байрам тантаналарига ўзгача шукуҳ бахш этди

29-30 декабрь кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Президент арчаси» шодиёналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган байрамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда мустақил юртимиз сарҳадларини мардонавор ҳимоя қилиб, юрт тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари фарзандлари иштирок этди.



...«Президент арчаси» тантаналари муносабати билан байрамона безатилган «Туркистон» саройига кириб борар экансиз, болаларнинг шодон қиёфаси турфа ўй-хаёллар, ширин ташвишларни тўзитади, бир зум ўзингиз ҳам болага айланиб қоласиз. Ям-яшил арча атрофини қуршаб олган болажонларни кўриб қалбингиз қувонса, ранг-баранг ўйинчоқлар, заррин чироқларни кўриб, кўзингиз қамашади. Болаларнинг турли эرتак қаҳрамонлари,

ўрмон жониворларини гавдалантирган кийимлари саройини ҳақиқий эртаклар мамлакатига айлантирган.

Ҳақиқатан ҳам, бугун «Туркистон» саройи мўъжизалар майдонига айланган. Арча атрофида Янги йил байрами шодиёналарига бағишланган шеърлар айтилиб, қувноқ куй-қўшиқлар янграйди. Рақсга тушаётган шўх-шодон болаларга боқиб, ҳавасингиз келади. Эстрада ва цирк санъати усталарининг болажонларга аталган чиқишлари

Prezident archasi

байрамга янада кўтаринкилик бағишлайди.

Айниқса, йиртқич ва ювош «жонивор»лар шу кун кичкинтойлар кўнглига илиқлик улашди. «Шер» билан «оҳу»нинг бирга ўйнаб юргани ёки «бўри» билан «эчки»нинг дўстона суҳбатини кўриб, болалар эртак қаҳрамонлари билан мириқиб ўйнадилар.

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари ижро этилган самимий қутловларини юборганлар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**

Япония Бош вазири **Шиндзо Абэ**

Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири **Таро Асо**

Германия Федератив Республикаси Президенти **Йоахим Гаук**

Германия Федератив Республикасининг Федерал Канцлери **Ангела Меркель**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари, Абу Даби амирлиги Валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбаев**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Муҳаммад Ашраф Ғани**

МДХ Ижроия қўмитасининг раиси — Ижро этувчи котиби **Сергей Лебедев**

НАТО Бош котиби **Йенс Столтенберг**

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти **Акихико Танака**

«Марубени» корпорацияси президенти ва Бош ижроочи директори **Фумия Кокубу**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

«МА'RIFAT» — 2014» МУНДАРИЖАСИ

10—11-бетлар

ТЎРТЛИКЛАР ҲИҚМАТИ

12-бет

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Термиз шаҳридаги Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёшларнинг сеvimли масканига айланган.

Замонавий тарзда жиҳозланган мажмуада 581 нафар ўғил-қиз спортнинг ўндан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Айниқса, бадий гимнастикага қизиқиш катта. Уч юздан зиёд ёшлар спортнинг ушбу нафис тури сирларини эгаллаб, мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Bolalar sporti



Ф.АБДУРАСУЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Мушуквой»нинг «сичқон»га совға ҳада этганига нима дейсиз? Бундай эзгу ғояларга йўғрилган лавҳалар эртақлардагина эмас, балки болалар кўз ўнгида рўй бергани уларда бир олам таассурот қолдирди...

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Президент арчаси» тадбири бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Хусусан, республикаимиз бўйича «Президент арчаси» шодиёналарида меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларидан 2456 нафар, «SOS – болалар маҳалласи»дан 191 нафар, Гўдаклар



БОЛАЛАРНИНГ ШОДОН КУЛГИСИ

байрам тантаналарига ўзгача шукуҳ бахш этди



уйидан 629 нафар, Оилавий болалар уйларида 10 нафар, «Мурувват» уйларида 1507 нафар ўғил-қиз, 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 4440 нафар ота-она қарамогидан маҳрум болалар ҳамда юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Прокуратура ҳамда Божхона қўмитаси ходимларининг 235 нафар фарзанди, жами — 9468 нафар бола қатнашди.

— Шодиёна жуда ҳам чиройли ўтди, — деди пойтахтимиздаги 30-меҳрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фаниля Габбосова. — «Президент совға»сини олган болаларимизнинг кайфияти янада аъло бўлди. Юртбошимиз томонидан

ёш авлодга кўрсатилаётган бундай юксак меҳр ва ғамхўрлик ҳақида мамнулик билан сўзлаш мумкин. Бундай саъй-ҳаракатлар эртага, албатта, ўзининг ширин меvasини беришига ишонамиз.

...Фойеда жойлашган арча атрофидаги турли саҳна чиқишларидан сўнг барча иштирокчилар катта залга таклиф этилди. Болаларларга «Томоша» болалар гуруҳининг сахналаштирилган «Мўъжизалар китоби» мусикий чиқиши намойиш этилди. Ундаги воқеалар Ақлбек исмли йигитга донишманд чолнинг мўъжизалар китобини совға қилишидан бошланади. Аммо ёвуз кучлар бундан хабар топиб, Ақлбекдан китобни тортиб олади ва унинг ўзини сеҳр-жоду билан ёмон болага айлантириб қўйишади. Сўнг у ёвуз киши-

ларга қўшилиб, эзгуликни эсдан чиқаради. Тўғри йўлга бошламоқчи бўлган дўстларини эса ранжитади.

Томоша ниҳояланаётган бир пайтда саҳнага Қорбобо чиқиб келади. Ақлбек ва уни сеҳрлаб қўйган ёвуз кучлар қалбига эзгулик уруғини экади. Ақлбек асл ҳолига қайтади. Ёвуз кучдан халос бўлиб, яхши одамга айланганлар бошлиғи китобни Ақлбекка қайтарди. Ёвуз кучдан халос бўлиб, яхши одамга айланганлар бошлиғи китобни Ақлбекка қайтарди. Ёвуз кучдан халос бўлиб, яхши одамга айланганлар бошлиғи китобни Ақлбекка қайтарди.

Болажонларимиз ҳар йили эски йилни хурсандчилик билан кузатиб, янги йилни янги режалар, мақсадлар билан кутиб олишади. «Президент арчаси» шодиёналари шукуҳи бутун йил мобайнида ўғил-қизларни аъло баҳоларга ўқиб, тартиб-интизомли бўлишга, устозларидан олган билимларни яхши фазилатлари билан мустаҳкамлашга ундаши шубҳасиз. Арчадаги минглаб чироклар эса болажонларнинг йўлларини туну кун ёритиб, юксак марраларни забт этишга бўлган иштиёғини оширади.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган суратлар.

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА

«Баркамол авлод» болалар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилгани ромитанлик ўқувчилар учун байрамга муносиб совға бўлди. Замонавий ва кўркам бинонинг тўла жиҳозланиши учун 630 миллион сўм маблағ сарфланди. Кенг ва шином хоналарда машғулотлар янада қизиқарли ва самарали ўтмоқда.

— Марказимиздаги 34та тўгаракка 900 нафар ўқувчи жалб этилган, — дейди директор Шоира Нозимова. — Янги бинодаги қулайликлар қамровимизни кенгайтди. Замонавий жиҳозларгина эмас, балки зарурий хомашё ҳам келтирилгани барчаимизни қувонтирди. Марказнинг очилиш маросими Янги йил байрамига улашиб кетди.

— Иккала фарзандим шу марказга қатнайдми, —

дейди ўзини Махфуза Норова дея таништирган оналардан бири. — Ўғлим Диёрбек «Ёш дастурчи» тўғарага аъзоси. Эндигина 2-синфга қадам қўйган бўлса-да, компьютер имкониятлари ва ундан оқилона фойдаланиш йўлларини кунт билан ўзлаштираётган. Янги русумдаги компьютер унинг қизиқишини янада оширди. Қизим Шаҳина эса «Тиқиш-бичиш» тўғарага аъзоси, замонавий тикув машиналарида бичилган матони беҳато чоклай олади.

Бу йил Ромитандан ташқари Қоракўл, Қоровулбозор, Когон ва Пешку туманларининг «Баркамол авлод» болалар марказлари ҳам қайта таъмирланаётган, янги кўринишда ўқувчиларни қарши олди.

Ирода ОРИПОВА

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

аҳолининг ҳар бир қатламини қамраб олишга интилоқда

Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгашида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар, келгуси йилда амалга ошириладиган янги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди, — деди кенгаш раиси Танзила Норбоева. — Хусусан, соғлом болалар туғилиши ва уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш юзасидан ҳам касабаси уюшмалари томонидан кенг қўламли ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бу борада тизимдаги санаторийларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 408 нафар аёл, 151 нафар тиббиёт ходими, 202 нафар таълим ходими бепул соғломлаштирилгани, ёш оилаларнинг 217 нафар аъзосига «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланма берилганини таъкидлаш лозим.

Табиики, соғлом болани камолга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг роли алоҳида. Шу маънода, касабаси уюшмалари мактабгача таълим муассасалари тармоғи кенгайтириш ва соғлом турмуш тарзини фалол тарғиб этиш, болалар, айниқса, қизлар ўртасида жисмоний тарбияга меҳр уйғотиш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Наманганда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ғолибларига касабаси уюшмалари томонидан 56,1 млн. сўмлик совға улашилгани бунинг яққол далилидир.

— Халқимиз орзусидаги авлодни тарбиялаб, вояга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилди, — деди Т.Норбоева. — Бунда давлатимизнинг ало-

ҳида ғамхўрлиги остида Оролбўйи минтақасидан 4950 нафар ўғил-қиз, меҳрибонлик уйларидаги 3658 нафар тарбияланувчи, кам таъминланган оилаларнинг 70600га яқин фарзанди, 3 мингга яқин иқтидорли болалар касабаси уюшмалари томонидан имтиёзли соғломлаштирилгани, албатта, юрт тараққиёти, фаровонлиги учун хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, қорхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари асосида 5114та қорхонада 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 11266 нафар аёлга иш берувчи ва касабаси уюшмаси ижтимоий шериклигида 3 млрд 68 млн сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Сир эмаски, бугун чет тилини ўрганишга эътибор кучаймоқда. Касабаси уюшмалари ходимларининг 5050 нафар фарзандига чет тилларни ўрганиши, ўқув қуроллари харид қилиши учун ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртиларида тахсил олаётган 2819 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган талабаларнинг 7 млрд 796 млн сўмдан зиёд шартнома пуллари тўлаб берилди.

29 минг нафар боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийларига касабаси уюшмаси маблағлари ҳисобидан жами 910 млн сўмликдан зиёд моддий қўллаб-қувватлашга эса мамлакатимизда ҳар бир фуқарога тенг муносабатда бўлинадиганидан дарак беради.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент давлат стоматология институтида соғлиқни сақлаш соҳасида грантлар ташкил этиш ва узоқ мuddатли алоқалар ўрнатиш мақсадида юртимизга ташриф буюрган Жанубий Корея Миллий ассамблеяси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича доимий қўмитаси раиси Чун Жин Ким бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Делегация таркибида Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси — KOFIN вакиллари ва мутахассислари ҳам бор эди.

Учрашув давомида нуфузли меҳмонлар янги мажмуа лойиҳалари, институтдаги шарт-шароитлар, таълим жараёни билан яқиндан танишди. Институт ҳузуридаги Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази фантомлар залида ўтаётган талабаларнинг амалиёт сабоқлари — фантомлар мисолида тиш чархлашни ўрганиш машғулотларини кузатишди. Металл-керамика, металл-пластик материалларда маҳорат ошираётган талабаларнинг ишига юқори баҳо беришди.

— Хорижлик меҳмонлар талабаларнинг амалий билимларини ҳам синовдан ўтказишди, — дейди 5-босқич талабаси Нозима Турсунова. — Масалан, мен чархлаш асбоблари вазифаси ва тиш чархлашнинг бир неча усулларини кўрсатиб бердим.

Ортодонтик аппаратларда ишлаётган 5-курс талабаси Дилмурод Зийдбековнинг иши ҳам корейлик меҳмонларни безътибор қолдирмади. Аппаратларни улар ҳам ишлатиб кўришди. Стоматолог иш жойи модули залида

тирилди, икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида жуда катта ислохотлар амалга оширилганлигини хабаримиз бор, — дейди делегация раҳбари Чун Жин Ким. — Корей ва ўзбек халқларининг умумий жиҳат-

даврда салмоқли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик.

— Президентимизнинг 2014 йилнинг 22 июлдаги қарори билан ташкил этилган Тошкент давлат стоматология институти ушбу соҳада ягона марказлашган, стоматологиянинг барча йўналишлари бўйича замон талаб-

Xalqaro hamkorlik

рига мос ҳолда барпо этиш ва мавжуд таълим стандартларини такомиллаштиришни илгор хорижий тажриба асосида амалга оширишга ҳизмат қилади. Бугунги учрашув ҳам ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлади.

— Юқори малакали, рақобатдош ва илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорликнинг ўрни муҳим, — дейди магистратура бўлими бошлиги Бехзод Ёрмухаммедов. — Стоматология соҳасида фойдаланилаётган замонавий материаллар, асбоб-ускуналарни ишлатишни билиш билан бирга, уларни такомиллаштирадиган илмий кадрларни шакллантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Келгусида институтимизнинг Корея Республикасидаги ҳамкори — Ёнсей университетида магистратура талабаларимиз учун педагогик, илмий ва амалий малака ошириш имконияти яратилади.

Кўрииб турганидек, ҳамкорлик доирасида таълимнинг барча жиҳатлари қамраб олинмоқда. Бундай сайёҳаракатлар мазмун-моҳиятини ёш мутахассислар истиқболи, халқимиз саломатлигига ғамхўрлик ташкил этиши қувонарлидир.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ

таълимий,
илмий ва амалий
изланишларга
кенг йўл очади



ассистентлар раҳбарлигида маҳорат ошираётган клиник ординаторларнинг ишлари ҳам кузатилди. Ассистент Жамшид Тўлаганов раҳбарлигидаги пастки жағдан қолпи олиш жараёни маҳорат билан амалга оширилди. Шундан кейин мулоқот давра суҳбати тарзида давом эт-

лари кўп бўлиб, стоматология соҳасида ўзаро тажриба алмашиш икки томонлама манфаатлидир. Соҳага қаратилган эътиборни кўриб, юртингизда стоматология юксак даражада тараққий этишига ишонч билдирамыз. Институт ташкил этилганига кўп бўлмаган бўлса-да, ўтган

рига мос етук мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ўқув, илмий, амалий, даволаш таълим маркази сифатида фаолият олиб боради, — дейди институт ректори Ниғмон Ҳабилов. — Ўтган қисқа вақт мобайнида институтимиз стоматология бўйича жаҳонда етакчи бўлган таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатди. Жумладан, Жанубий Кореянинг Ёнсей университети стоматология факультети билан кенг қўламли ҳамкорлик борасида меморандум имзоланди. Бу ҳамкорлик институт ва унинг филиаллари учун янги бинолар мажмуасини жаҳон талаб-

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН БАЗА

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари, раҳбар ва педагог кадрлари ҳамда битирувчилари ҳақидаги ахборотларни жамлади

Маълумотларни сўралган жойга анъанавий тарзда — қоғозда етказиб беришга бугун эскирган усул сифатида қаралмоқда, десак адашмаймиз. Албатта, тезкорлик ва сифат уйғунлиги талаб этилаётган ахборот замонида интернет тизимидан фойдаланмасликни оқлаб бўлмайди. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Инчунин, қарорда белгиланган вазифаларни бажариш натижасида давлат органлари, юридик ва jisмоний шахслар ахборот тизимларининг босқичма-босқич интеграциялашуви асосида миллий ахборот тизими шаклланади. Шунингдек, давлат органларининг ўз функцияларини бажаришида тезкорлик ва сифатни оширадиган, фаолиятни автоматлаштирадиган ахборот тизимлари яратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мазкур қарор ижросини таъминлаш, яъни тизим фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик.

— Марказимиз веб-сайтида жойлаштирилган ягона электрон маълумотлар базаси янада такомиллаштирилди, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизматининг етакчи услубчиси Абдували Паёзов. — Тизимдаги таълим муассасаларининг ўқувчилари, раҳбар ва педагог кадрлари ҳамда 3-босқич битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти, кейинчалик иш билан бандлиги тўғрисидаги статистик маълумот ва ҳисоботлар тез ҳамда сифатли тарзда интернет орқали тизимли жамланишини таъминлашга эришяпмиз. Шу йилнинг 10 ноябрда базага маълумотлар киритиш юзасидан Тошкент шаҳридаги 2та академик лицей (ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи ва ТАТУ қошидаги 2-академик лицей) ва 2та касб-ҳунар коллежи (Юнусобод

компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ва Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи)да тажриба-синов ишлари ўтказдик. Натижалар ўрганилиб, муаммолар юзасидан базага тегишли ўзгаришлар киритилди.

Маълумотлар базасига markaz.uz веб-сайтида жойлаштирилган “Интерфол хизматлар” орқали ўтилади. Услубчининг таъкидлашча, тажриба-синов ишлари аяқунлаган, республикамиздаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг статистик маълумотлари киритилишига старт берилди. Жараён аввалида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ягона электрон маълумотлар базасини амалиётга жорий қилиш юзасидан методик қўламанма ишлаб чиқилиб, барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига етказилди. Масъул ходимларнинг база билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув-амалий семинар ўтказилди.

— Илк босқич якунига етди, — дейди Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисоди-

ёт касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Сайёра Аҳмаджонова. — Касб-ҳунар коллежизмидаги жами ўқувчиларнинг исм-шарифи, туғилган йили, оий ва кун, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами ёки паспорт серияси, таълим йўналиши, қабул қилинган тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси, яшаш манзили базага киритилди. Иккинчи босқичда эса раҳбар ва педагог кадрлар ҳақидаги бирламчи маълумотлар билан бирга тахсил олган олий ўқув юрти, диплом серияси ва берилган йили, мутахассислиги, дарс соати, малака ошириши ва аттестациядан ўтган йили,

тоифаси, ишга қабул қилинган тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси базага киритилмоқда. Олдимизда эса сўнгги босқич вазифалари турибди. Бу босқичда битирувчиларимиз амалиёт ўташи белгиланган корхона ёки ташкилот номи, у ерда амалиётчига бириктирилган ходимнинг исм-фамилияси, бунга масъул педагогининг исм-фамилияси, амалиёт ўташ мuddати, корхона ёки ташкилотга ишга жойлашганлиги, иш билан таъминланганлиги, (ишга жойлаштирилмаган бўлса бунинг сабаблари), олий ўқув юртига қабул қилинганлар тўғрисидаги ахборотлар киритилади.

Ягона электрон маълумотлар базаси Давлат тест маркази, Солиқ қўмитаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги электрон базаси билан ўзаро боғланган ҳолда ишлайди.

— “E-maktab” электрон базаси билан ҳамкорлик ҳақида тўхталсак, — дейди Абдували Паёзов, — 9-синф бити-



рувчисининг далолатнома серияси базага киритилиши билан битирувчи ҳақидаги тўлиқ маълумот муайян академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи бўлинимасига қабул қилиб олинади. Хужжат қабул қилинган ҳақидаги функция ишлатилиши билан “E-maktab” электрон базасида фалон коллежга хужжат топширди, деган хабар пайдо бўлади. Ўқувчининг ўқишга қабул қилинган тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси киритилганда унинг “E-maktab”даги маълумотлари автоматик равишда ҳаракатдан тўхтади.

Сирасини айтганда, юртимиздаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари, раҳбар ва педагог кадрлари ҳамда битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти, кейинчалик иш билан бандлиги тўғрисидаги маълумотлари ягона электрон базада жамланиб, бу ўз навбатида миллий ахборот тизimini шакллантириш йўлидаги муҳим бир қадам бўлди.

Аббор УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Yangiliklarda yurt nafasi



Тошкент шаҳридаги Инха университетида мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компаниялар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан юқори технологиялар соҳасидаги халқаро таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастури тақдим этилди.

— Ўқув дастурини яратишда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг бугунги ривожланиш даражаси инобатга олинди, — дейди Тошкент шаҳридаги Инха университети биринчи проректори Парк Се Гун. — Мақсадимиз юқори технологиялар соҳасининг барча соҳаларида меҳнат қиладиган мутахассисларни тайёрлашдир. Университетимизга ўқишга кирган талабаларнинг билим даражаси юқори бўлиб, улар тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Талабаларимиз университетни битирганидан сўнг билим ва қўбилиятини амалиётда самарали қўллашга ишонамиз.

Учрашувда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида компаниялари вакиллари юқори технологиялар бозори талаблари инобатга олинган ҳолда, Тошкент шаҳридаги Инха университети ўқув дастурига қандай янги йўналиш ва фанлар киритилиши мумкинлиги ҳақида ўз тақлифларини билдирди. Шунингдек, университет ва соҳа компаниялари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари Давлат музейида "Менинг армиям — менинг faxрим" танловий ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари иштирок этди.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш сифатини ошириш, чақирувга қадар бошлангич тайёргарликни ташкил этишни таъминлаштириш мақсадида ташкиллаштирилган танловда барча вилоятлардан 60 дан зиёд иштирокчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик ва таълим муассасаларида ушбу фанни ўқитишга бағишланган ахборот материалларини тақдим этди.

Танлов якунига қўра, "Чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик" номинациясида биринчи ўринни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти А.Сотволдиев эгаллади. "Энг намунали ҳарбий сулола" номинациясида Самарқанд шаҳридаги Сертепа туризм ва машини хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Б.Икромов ғолиб бўлди.

Бухорода Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган faxрийларга Янги йил байрами тўғрисида — Президент совғалари топширилди.

— Мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган катта ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, соғлиғимиз мустаҳкамланаёттир, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи 95 ёшли Жунайид бобо Олимов. — Муҳтарам Ўртбўшимиз томонидан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани ҳам ана шу юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Вилоятда маҳаллий ҳокимликлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фондидини вилоят ва туман бўлиmlари, касаба уюшмалари ташкилотлари, "Нуроний" жамғармаси ҳудудий тўзилмалари томонидан уруш ва меҳнат faxрийларини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасидаги ишлар кўлами кенгаймоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти faxрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Самарқандда Янги йил байрами муносабати билан анъанавий "Самарқанд ширинликлари" кўрик-танлови ўтказилди.

Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек халқига хос меҳмоннавозлик анъаналарини давом эттириш, аҳоли байрам дастурхони тўқин-сочинлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан вакиллар, ширинлик ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Танловда иштирокчилар томонидан тайёрланган байрам тортлари, тантанали маросимлар учун пишириқлар, мева ва шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар, мурabbo ва шинилар, туршак, майиз, асал маҳсулотлари намойиш этилди. Хар бир маҳсулотнинг тайёрлаши усули ва шифобахшлиги каби муҳим жиҳатлари ҳақида маълумот берилди.

Кўрик-танловда олти йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Илғор усуллар самараси

Яшнобод туманидаги 244-мактабда Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан тарих ва ҳуқуқ фанларини ўқитишда АКТ ва илғор методларни қўллашнинг самараларига бағишланган семинар ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари тажрибали ўқитувчи Муассар Ортиқжўаеванинг 9-синфда компьютер мультимедиа воситалари, турли дидактик тарқатмалардан фойдаланиб ўтган "XIX аср охири — XX аср бошида Германия" мавзусидаги очик дарсини кузатдилар. Дарсда интег-

рация усули қўлланилиб, мавзу ҳуқуқ, география, иқтисодий билим асослари фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. "Ақлий ҳужум", "Кластер", "Ассесмент", "Тақдимот" усуллари билан фойдаланилгани, турли макол ва иборалар ишлатилгани ўқувчиларни янада фаоллаштирди.

Семинарнинг иккинчи босқичида ўқитувчилар муаллимнинг дарсда қўллаган усуллари муҳокама қилиб, ибратли жиҳатларни қайд этишди.

С.ШЕРМУХАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти
катта ўқитувчиси

Зумрадоилар камол топмоқда

Ўзбек халқ эртаги асосида яратилган «Зумрад ва Қиммат» мультфильмининг ҳаммамиз севиб томоша қилганимиз. Хойнаҳой, барча қизалоқлар ўзини Зумрад сиймосида тасаввур этса керак. Қимматдаги ялқовлик, дангасалик, қўполлик, бетгачопарлик, қизганчилик каби қусурлар ўзларида бор эканини сезишса, бартараф этишга уринишди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига 3—6 ёшли қиз болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини эрта бошлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида мактабга таълим муассасаларида «Зумрадоилар давраси» тўғарақлари ташкил этилган. Шаҳрисабз тумани Мираки ша-

ҳарчасидаги 11-мактабга таълим муассасасида ҳам тўғарақ намунаси фаолият олиб бормоқда.

— «Зумрадоилар давраси» тўғарақи болаларнинг миллий қадриятларимизга оид илк тасаввурларини бойитиш, уларда меҳнатсеварлик, зуққолик, катталарга ҳурмат каби фази-

латларни шакллантиришга хизмат қилмоқда, — дейди бочка мудираси Наргиза Беғалиева. — Қизалоқлар тўғарақда тикувчилик, пазандалик, уй-рўзгор ишларини бажариш кўникмаларини ўрганиб, шеърчилик, миллий рақс, «Ёш эртаци» тўғарақларида маънавиятини оширмоқда. Қизалоқларнинг Зумраддек сочларини майда ўриб, дўппи кийиб, машғулотларда фаол иштирок этаётгани тўғарақ фаолияти самарасидир.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбири

Маънавият — қалб гавҳари

Юнусобод туманидаги 9-умумтаълим мактабда «Ақлга билим — қалбга маънавият» шиори остида «Оталар йиғилиши» ўтказилди.

Республика таълим маркази методистлари, Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти ўқитувчилари, туман ХТМФМТЭ бўлими ходимлари, 120дан ортиқ ўқувчиларнинг оталари иштирок этган тадбир болаларнинг бўш вақтини сермазмун ва фойдали ташкил этиш, турли ёт иллатлар, ахборот хуружларидан асраш масалаларига бағишланди.

— Фарзанд тарбиясида oilанинг, айнққса, otанинг роли ва масъулиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, — дейди мактаб

директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилдора Тўлаганова. — Мунтазам ўтказиб келинаётган тадбирларда ўқувчиларни тўғарақка жалб қилиш, фан, таълим, адабиёт, санъат, спорт ва бoшқа соҳалардаги қўбилият ва иқтидорини сайқал топтириш йўлида ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тақлиф-тавсиялар ҳамда тадбирлар режаси ўз самарасини бераётди.

Тадбир сўнггида намойиш этилган «Гумроҳлар», «Odnoklassniki.ru» фильмлари ва баддий-мусиқий дастур йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ижодий методик ишлар тақдироти

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бoшқармаси методика маркази томонидан Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўқитувчилар ўртасида ижодий-методик ишлар тақдироти ўтказилди.

Ўқувчиларнинг шоира Зулфия ижоди ва фаолиятига қизиқишини ошириш, ўқитувчилар ўртасида тажриба алмашишга қўмаклашиш, самарали дарс ишланмалари ва тавсиялар яратиш мақсадида рағбатлантирилган тадбирда Т.Н.Кори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти

ҳодимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, Тошкент шаҳар ва вилоят ПКҚТМО институтлари ўқитувчилари, таълим муассасаларининг тажрибали педагоглари иштирок этди.

— Ватан мадҳи куйланган, инсонийлик улуғланган асарларни ўқувчилар қалбига синдириш ўқитувчидан катта ма-

ҳорат талаб этади, — дейди Чилонзор туманидаги 179-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Барно Миркамоллова. — Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, электрон манбалардан маълумотлар олиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда ҳайъат аъзолари томонидан энг самарали методик тавсия ва дарс ишланмалари танлаб олинди, оммалаштиришга тавсия қилинди.

Олимжон ЖУМАОЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ўқитувчига зарур тавсиялар

Қўқон шаҳридаги 40-ИДУМда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирокида «Ноанъанавий усуллар — самарадорлик омилли» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилшодахон Тўхтабоева ва «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танлови ғолиби, 40-ИДУМ ўқитувчиси Муборакхон Қўшоқованинг ноанъанавий усуллар асосидаги очик дарсларини кузатди. Сўнг очик дарслар таҳлилга бағишланган суҳбат-тренинг ўтказилиб, Қўқон давлат педагогика институтининг малакали ўқитувчилари дарсларга илмий ёндашиш, янги пе-

дагогик технология ва методлардан унумли фойдаланиш, мумтоз адабиёт вакиллари билан руҳийларини аруз вазида ифодали ўқиш юзасидан тавсиялар беришди.

— Узлуқсиз методик хизмат илғор тажрибаларни аниқлаш, оммалаштириш, ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш, иқтидорли болалар билан ишлашга доир тавсиялар яратишга хизмат қилади, — дейди вилоят методика маркази раҳбари Ёзозхон Қосимов. — Ўқитувчиларга методик хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш ва узлуқсизлигини таъминлаш методистларимиз олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Шарифа МАДРАХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Жажжи киз Малика кўйичоғини кийинтириб, сочларини ўриб бўлагач, курсичасига ўтиргизди. У бугун «меҳмон-меҳмон» ўйинини ўйнамоқчи. Меҳмонлар атаб дастурхон ёзиш, бозорлик қилиш, овқат нишириш керак. Пластиндан мевалар ясаб, онасидан ўрганганидек, ликбачани тўлдирди, дастурхонга нон ва бошқа ширинликларни ҳам қўйди. Лекин ҳамма юмушни бир ўзи бажаришга улгурмайди! Бозорга боришга, овқатларни ниширишга вақти йўқ. Вой, нима қилиш мумкин?.. Шу пайт ўйинчоқ машинасини вангиллатиб Равайн келиб қолди. У бозорлик қилишни ўз зиммасига олиб, тезда машинасини гизиллатди. Йўл-йўлакай ўртоқларини Маликага кўмакка чақиришни ҳам унутмади. Ҳамма болакайлар йиғилишиб ўйни безатишди, дастурхон тўзашди. Кейин арча атрофида мириқиб ўйнадилар...

Болаликда ҳар кимнинг сеvimли ўйини ва ўйинчоғи бўлади. Беруний туманидаги 18-мактабгача таълим муассасаси «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида миллий қадрият ва анъаналаримизга мос келадиган замонавий ўйинчоқлар билан таъминлангани таълим-тарбия сифатини ошириш билан бирга, болажонларнинг вақтини хуш ўтказиши, ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ривожланиб, ҳаётий кўникмалари шакл-

ланишига, мантикий фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилмоқда.


2007 йили капитал ре-

конструкция қилинган МТМда бугун 140 ўғил-қиз тарбияланмоқда. Масканди барча зарур жиҳозлар, ўқув-услубий воситалар етарли.

— Мактабгача таълим муассасасида боланинг ҳар томонлама ўйгун ривожланишига пойдевор қўйилади, — дейди муассаса мудираси Гулойим Примова. — Фарзандларимизни соғлом турмуш тарзига одатланти-

фикрларни ўйотиши билан аҳамиятлидир. Психологларнинг таъкидлашича, инсондаги меҳрибонлик, дўстлик, келажакка ишонч, касбга муҳаббат туйғулари кўпроқ болаликда ўйнаган ўйинчоқлар орқали шакллана экан.

— Боғча болаларига мўлжалланган ўйинчоқлар жуда кичкина бўлмаслиги керак, — дейди МТМ ҳамшираси Гуласал Ражапбаева. —



ЎЙИНЧОҚ — ҚУВНОҚ ЎРТОҚ

Улар даврасида Янги йил байрами янада мароқли ўтмоқда



— Қадимда Аливой исмли йигитнинг зотдор бияси бўлиб, қулунлаши билан тойчоғини дев ўғирлаб кетаркан. Бир куни Аливой йўқолган тойчоқларини қидириб йўлга отланибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, адоғи кўринмайдиган дарёнинг олдида чикибди. Қирғоққа тош устун ўрнатилган бўлиб, унда: «Агар дарёдан ўтишни истасанг, қуйидаги уч тенгламани ечишинг лозим. Топшириқни тўғри бажарсанг, йўл очилиб, сафарингни давом эттирасан», деб ёзилган экан. Болалар, дарёдан ўтиши учун Аливойга ёрдам берамизми?

— Ёрдам берамиз, устоз.

— Ундай бўлса, тенгламаларни доскага ёзаман. Ҳар бир гуруҳ биттадан мисолни ечади. Вазифани биринчи бажарган гуруҳ рағбат бағига эга бўлади. Демак, бошлаймиз.

Ўқувчилар тенгламаларни ечишга киришади...

Олмалиқ шаҳридаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Махбурат Турдиеванинг ҳар бир дарси мана шундай қизиқарли, нонанавий бошланади. «Сеҳрли сонни топинг» ўйини тугатунча болаларнинг диққат-эътибори мавзуга оид мисол ва масалаларни ечишга бўлади...

— Ҳозирги ўқувчилар жуда зийрак. Доим ҳамма янгиликдан биринчи бўлиб хабар топишади, —

дейди тажрибали педагог. — Қирқ беш дақиқа давомида ўқувчиларнинг эътиборини дарс билан машғул қилишни истаган ўқитувчи билимли, илм-фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиши лозим. Шу боис деярли ҳар куни интернет, оммавий ахборот воситалари орқали жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар билан танишиб борамен. Машғулотларни замонавий методлар асосида ўтишга ҳаракат қиламан.

Тажрибали ўқитувчининг ўттиз беш йиллик педагогик фаолияти асосини доимий изланиш, янги ғоялар устида ишлаш ташкил этади. Интилишлари самараси ўлароқ, 2013 йили Махбурат Турдиеванинг «Математика дарсларида Ўрта Осиё олимлари ижодидан фойдаланиш» қўланмаси чоп этилди. Рисола Абу Райҳон Беруний, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби аллома боболаримизнинг аниқ фанларга доир қарашларини машғулотларда қўллаш ҳақида бўлиб, мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Поёнлаб бораётган 2014 йилда ҳам филоий педагог қўлаб муваффақиятларга эришди.

риш, киришми ва лаёқатли қилиб тарбиялаш, умуман, ҳаётда тўғри ва бахтли яшашга ўргатиш тарбиячилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу вазифани адо этиш учун тарбиячилар, тўғра раҳбарлари, психолог ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Муассасамизда барча шарт-шароитлар мавжудлиги фаолиятимиз самардорлигини оширапти.

Болалик меҳр ва эътибор, қувноқ ўйинчоқлар, қизикарли ўйинлар билан мазмунли ўтади. Ўйинчоқлар кичкинтойга хурсандчилик бағишлаши, уни овутуши, тарбиялаши, ижобий

Кичкинтойлар майда ўйинчоқларни оғзига солиб, ютиб юбориши мумкин. Жун ва патли матодан тикилган ўйинчоқлар ўзига кўп chang ва микробларни тортгани учун гигиена талабларига жавоб бермайди. Турли шаклдаги рангли ўйинчоқлар боланинг ранг-тусларни фарқлаши, шакллари бир-биридан ажратиши, зехни ўсишида муҳим роль ўйнайди. Муассасамизга тарбиячилар, болалар ва ота-оналар хоҳиш-истакларига кўра келтирилган хилма-хил ўйинчоқлар мана шу талабларга мос келади.

Миллий кийимдаги кўғир-

чоқлар эса болаларда миллий маданиятимизга меҳр-муҳаббат ўйғотиб, кийиниш дидини ҳам тарбиялайди. Масалан, қизалоқлар кўғирчоқларининг сочини тараб, ўриб, чиройли кийинтиришни, алла айтиб ухлатишни ўрганишади. Болажонлар ўз қизиқишларини ўйинчоқлар орқали намоён этади: турли конструкцияли бино ва машиналарни ясади, ҳарбий хизматчи ёки йўл парул хизмати ходими ролини бажаради ва ҳоказо. Шу аснода қўл ва бармоқлар моторикаси, сезги аъзолари ривожланади, ҳаракатлар аниқлашади, ижтимоий кўникмалар ҳосил қилинади.

Дунё болажонлар туғайли шодлик ва гўзалликка тўла. Сеvimли ўйинчоғи бор бола эса янаям қувноқ ва чиройли!

Несибеи
МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

УСТОЗ УЧУН ЭНГ АЗИЗ СОВҒА

олдида отам айтган масъулиятни илк бор ҳис этганман.

«Педагогнинг иши нечоғлик машаққатли бўлмасин, кўнглини олиш шунчалик осон. Кўча-қўйда биров биз ўқитган болага «Устозингга раҳмат!» деса, шу гапнинг ўзидан заҳматларимиз ариб, юрагимиз қувончга тўлади», дейди Махбурат опа. Ўқитувчининг таълим-тарбиясини олган қўлаб шогирдлари бугун унга издош бўлиб, турли таълим муассасаларида математика ва информатика фанларидан ёшларга сабоқ берапти.

— Ҳамкасбларимдан бири: «Янги йилда нима совға қилишларини истайсиз?» деб сўради. Менимча, устоз учун ўқувчиларининг миннатдорликка йўғрилган бир оғиз ширин сўздан-да ажойиб, бебаҳо совға йўқ, — дейди жонкуяр ўқитувчи. — Қунлар бири бири билан қувлашиб, янги йилни кутиб олишга ҳозирланаёلمиз. Ҳар биримизнинг кўнглимиз улкан мақсадлар, оламжаҳон орзумидларга тўла. Обод ва нурафшон юртимиз узра байрамона шукуҳ ҳукмрон. Қайга бормайлик, юртошларимиз чехрасида табассум жилваланади. Кўзлар келажакка қатъий ишонч билан порлайди. Бу ҳаммаси — жонажон Ватанимиздаги бебаҳо тинчлик, тотувлик самарасидир.

Хайриддин МУРОД,
«Ma'rifat» мухбири

VATAN ULUG' – BURCHIM MUQADDAS

Umumta'lim maktablarida 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan bayram tadbirini o'tkazish yuzasidan tavsiya

Mamlakatimiz istiqbolga erishgach, barcha sohalar singari harbiy yo'nalishda ham zamonaviy qurol-yarog' va texnika bilan ta'minlangan, yuksak talab va standartlarga javob beradigan, mamlakatimiz xavfsizligi, hududiy yaxlitligi, xalqimizning tinch va osoyishta hayotini xalqchil himoya qilishga qodir milliy armiyani shakllantirish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi.

Yurtboshimiz Islom Karimov "Milliy armiyamiz – mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir" asarida ta'kidlaganidek, Vatan himoyachilari kunini faqat harbiy xizmatchilar emas, ayni vaqtda armiya saflarida o'z burchini o'tab qaytg'an vatandoshlarimiz va ertaga xizmatga boradigan ming-minglab navqiron farzandlarimizning qutlug' bayrami deb qabul qilishimiz lozim.

Umumta'lim maktablarida 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan bayram tantanalarini quyidagi tartibda o'tkazish tavsiya etiladi.

Tadbir o'tkaziladigan joy, sahna o'quvchilar tomonidan sanaga bag'ishlab tayyorlangan devoriy gazetalari bilan bezatiladi. Insho va referat kabi ijodiy ishlaridan iborat ko'rgazma tashkil etiladi. Tadbirga urush va mehnat faxriylari, harbiy xizmatchilar, mustaqillik yillarida Vatan sarhadlarini himoya qilib, yurtimiz ozodligi va tinchligi yo'lida qurbon bo'lganlarning yaqinlari, mahalla faollari, ota-onalar, «Kamolot» YIH vakillari taklif etiladi.

Maktab o'quvchilari xori Davlat madhiyasini tantanali ravishda, musiqa o'rligida ijro etadi. Sahnaga tadbir boshlovchilari chiqib, barchani bayram bilan tabriklaydi va ishtirokchilarga harbiy sohada erishgan yutuqlarimiz, tinch va osoyishta hayotimiz bilan bog'liq ma'lumotlarni bayon etishadi. Mazvuga doir lavhalar proyektor orqali namoyish qilinadi.

1-boshlovchi: — 1991-yilning 31-avgustida "O'zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi asoslari to'g'risida"gi qonun qabul qilindi. Bu muhim hujjat respublikamizga o'z harbiy siyosatini mustaqil tarzda amalga oshirish huquqini berdi. Mazkur qonun hamda "O'zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi to'g'risida"gi bayonot mamlakatimiz Qurolli Kuchlarini tuzish uchun huquqiy asos bo'lib xizmat qildi.

2-boshlovchi: — Qurolli Kuchlarimizni shakllantirish jarayonida eng dolzarb masalalardan biri – kadrlar masalasi edi. 1990-yili mahalliy ofitserlar yurtimizdagi harbiy kadrlarning atigi 0,6 foizini tashkil etardi. Mazkur muammoni hal etish maqsadida harbiy ta'lim sohasi tubdan isloh qilina boshladi. Bir qator oliy harbiy ta'lim muassasalarini faoliyatini yo'lga qo'yilib, "Shu aziz Vatan bizniki, uni ko'z qorachig'imizdek asrab-avaylaymiz, kerak bo'lsa jonimizni fido qilishga ham tayyormiz", deyidigan ahdi qat'i'y, shijoatli, mard va jasur harbiy kadrlar tayyorlashga kirishildi.

Zal bo'ylab mungli ohang taraladi. Iqbol Mirzoning "Vatanga qasamoyd" haykali poyida" she'ri o'qildi. Shundan so'ng so'z maktab rahbariga beriladi. Direktor yig'ilganlarni bayram bilan tabriklab, taxminan quyidagicha nutq so'zlaydi:

Bugun O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining oliy harbiy ta'lim muassasalarida Qurolli Kuchlarimiz uchun 30ga yaqin yo'nalish bo'yicha yuqori malakali ofitser kadrlar tayyorlanmoqda. Mamlakatimizda ofitser va serjant kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash, malakasini oshirishning samarali tizimi yaratilgan. Bu o'quv maskanlari harbiy xizmatchilarga o'z professional, nazariy va amaliy bilimlarini takomillashtirish, harbiy-jangovar faoliyatida tajriba va malakalarini oshirish imkoniyatini

bermoqda. 2012-yil 11-sentabrda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining "Mardlik" ordenini ta'is etish to'g'risida"gi qonuni Vatan himoyachilariga yuksak e'tiborning amaldagi yana bir ifodasi bo'ldi.

1-boshlovchi: — Hozirgi kunda Toshkent oliy umumqo'shin qo'mondonlik, Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik, Samarqand oliy harbiy avtomobil qo'mondonlik-muhandislik, Jizzax oliy harbiy aviatsiya bilim yurtlari, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti maxsus fakultetida malakali harbiy xizmatchilar tayyorlanmoqda.

2-boshlovchi: — 1995-yili mamlakatimizda Markaziy Osiyoda yagona bo'lgan Qurolli Kuchlar akademiyasi ochildi. 2012-yili Toshkent tibbiyot akademiyasi huzurida harbiy-tibbiyot fakulteti tashkil etildi. Aziz tengdoshlar, shunday nufuzli harbiy ta'lim muassasalarida tahsil olish uchun siz aziz o'quvchilardan a'lo o'qish, namunali xulq bilan birga sport sohasida chaqqonlik, chiniquish va mustahkam iroda ham talab qilinadi.

1-boshlovchi: — 2012-yil 24-oktabrda tashkil etilgan O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi huzuridagi Jamoatchilik kengashi Qurolli Kuchlar ustidan samarali fuqarolik nazorati mexanizmini shakllantirish, Mudofaa vazirligi faoliyatining ochiq-oshkoraligini ta'minlash, harbiy xizmatchilar va chaqiriqqacha bo'lgan yoshlarda ma'naviy-axloqiy va harbiy-vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish singari maqsadlarga xizmat qilmoqda.

2-boshlovchi: — Bugun mamlakatimizning ko'pchilik havas qilayotgan iqtisodiyotiga, mahoratda hech kimdan qolishmaydigan Vatan himoyachilariga qarab, bobokalonimiz Amir Temurning "Boy mamlakatning askari baquvvat bo'lur, askari baquvvat mamlakat boy bo'lur", degan gapi beixtiyor yodga

tushadi. Armiyamiz nafaqat Vatanimiz chegaralarini, xalqimizning tinch va osoyishta hayotini himoya qilmoqda, ayni vaqtda mustahkam irodali, mustaqil fikrli, jismoniy chiniquqan va yuksak insoniy fazilatlariga ega haqiqiy professional askarlar – yurt o'g'lonlarini tayyorlaydigan maktabga aylandi.

1-boshlovchi: — Xabaringiz bor, 2015-yil mamlakatimizda "Keksalarni e'zozlash yili" deya e'lon qilindi. Har qanday jamiyatning madaniy darajasini, yoshi ulug'larga e'tibori va g'amxo'rligida ko'rish mumkin. Keksalarga hurmat-ehthor, mehr-oqibat ko'rsatish ma'naviy hayotimizning tom ma'noda ajralmas qismiga aylangan.

2-boshlovchi: — Darhaqiqat, Vatanimizning musaffo osmonini asrashda, ona yurtimizni fashizm balosidan himoya qilishda kexsa avlod vakillarining qanday jasorat ko'rsatgani, front ortida mehnat qilib, g'alabaga munosib hissa qo'shgan, mamlakatimizning ham harbiy, ham iqtisodiy, ham madaniy-ma'naviy salohiyatini oshirishda bobobuvarimiz ko'rsatgan fidoyilikni biz hamisha katta minnatdorlik bilan eslaymiz.

1-boshlovchi: — Bugungi bayram kunida nuroniy keksalarimizga, shu bilan birga, o'z hayotini Vatan himoyasiga tikkan, el-yurt tinchligi va osoyishtaligining posboni bo'lgan jasur akalarimizga chuqur hurmatimizni hamda samimi mehrimizni izhor etamiz.

2-boshlovchi: — Aziz yurtdoshlar, qadrlar mehmonlar! Barchangizni Vatan himoyachilari kuni bilan muborakbod etib, sizlarga sihat-salomatlik, baxt va omad tilaymiz. Xonadonlaringizdan tinchlik va xotirjamlik, fayzu baraka arimasin.

Tadbir yakunida maktab musiqa to'garagi a'zolari tomonidan tayyorlangan kuy va qo'shiqlar ijro etiladi.

Respublika ta'lim markazi

O'TMISH, BUGUN VA KELAJAK CHORRAHASI

Tarix va huquq fanlari oyligini tashkil etish bo'yicha tavsiya

Vatan tarixini chuqur o'rganish, ajdodlarning ezgu ishlaridan g'ururlanish, o'tmishdagi voqealardan tegishli xulosa chiqarish, bobolar qoldirgan boy moddiy va ma'naviy merosni asrab-avaylash har bir xalqning, millatning inkor etib bo'lmaz haq-huquqidir. Qolaversa, yurtimiz taraqqiyoti, aholi farovonligi, inson haq-huquqlarini ta'minlash maqsadida qabul qilinayotgan har bir huquqiy hujjat tarixiy ahamiyatga egadir. Mana shu tartib-qoidalar asosida kelajak avlod faxrlanadigan darajada buyuk tarix yaratiladi. Shu bois tarix va huquq fanlari doimo birga o'rganiladi. Bu fanlar bo'yicha tashkil etiladigan fan oyligi, mashg'ulot va tadbirlarda o'quvchilarga yangi ma'lumotlar berilib, o'zlikni anglash tuyg'usi mustahkamlanadi.

Fan oyligini o'tkazishda tarix va huquq fanlari xonalarining ko'rgazmali vositalari, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, yurtimiz va dunyoning siyosiy xaritalari, davlatimiz ramzlari hamda fanga oid boshqa didaktik materiallar bilan jihozlanishi, o'quvchilarning darsliklar, o'quv qo'llanmalar bilan ta'minlanishini o'rganish, oyligining o'tishi haqida ommaviy axborot vositalari, internet sahifalarida materiallar berib borishga alohida

e'tibor qaratiladi. Viloyat, tuman(shahar) metodistlarining tarix va huquq fanini o'qitish samaradorligini oshirishga qaratilgan metodik tavsiyalar, tadbir senariylari, dars ishlanmalar, test va nazorat ishleri to'plamlarini tayyorlashi maqsadga muvofiq. Fanlar oyligi harbiy vatanparvarlik oyligi bilan uyg'un holda tashkil etilisa, yanada qiziqarli va mazmunli o'tadi.

Prezidentimizning shu yil 15-16-may kunlari Samarqand shahrida bo'lib o'tgan "O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojida roli va ahamiyati" mavzusidagi xalqaro konferensiyada so'zlagan nutqi asosida "Biz buyuk allomalar yurti farzandlarimiz", "XXI asr – bilim va intellektual tafakkur asri" kabi mavzularda bahs-munozaralar, seminar va uchrashuvlar o'tkazish tavsiya etiladi. "Samarqand – qadimiy ilm-fan va madaniyat markazi" mavzusida insho, referat va devoriy gazetalari tanlovi, rasmlar ko'rgazmasini tashkil qilish, davra suhbatlarini o'tkazish fan oyligining ahamiyatini oshiradi.

An'anaga muvofiq, fan oyligining birinchi o'n kunligi o'quvchilarning qishki ta'til kunlariga to'g'ri kelishi munosabati bilan

mustaqillik yillarida barpo etilgan inshootlar, tarix va o'lkashunoslik muzeylari, tarixiy qadamlariga sayohatlar uyushtirish, huquqni muhofaza qiluvchi idoralar xodimlari, fan va madaniyat arboblari, faxriylari, namunali oilalar vakillari bilan uchrashuvlar o'tkazish bolalarga nazariy bilimlarini amaliy tushunchalar orqali mustahkamlash imkonini beradi. Mahalla fuqarolar yig'inlari bilan hamkorlikda "Mening jonajon mahallam", "Mahallaning kechagi va bugungi kuni" mavzularida uchrashuvlar, Prezidentimizning Konstitutsiyamiz qabul qilinganining 22 yilligi munosabati bilan o'tkazilgan tantanali yig'ilishda so'zlagan nutqi bo'yicha davra suhbatlarini tashkil etish, tadbirlarga kexsa o'taxon va onaxonlarni taklif qilish, bugungi farovon hayotimiz haqidagi fikrlari bilan tanishtirish lozim. Milliy hunarmandlik an'analari davom ettirayotgan qo'li gul ustalar, tadbirkorlar bilan suhbatlar o'tkazish, o'quvchilarga tarix fanida o'tilgan kasblar, amaliy san'at turlarini takomillashtirish va rivojlantirishning tarixiy ahamiyati, mamlakatimizni taraqqiy ettirishdagi o'rinni tushuntirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Fan oyligining ikkinchi o'n kunligida tarix va huquq fanlari mashg'ulotlari zamonaviy ped-

texnologiyalar asosida tashkil etish ta'lim sifati va samaradorligini oshiradi. Mazkur oyligida "Dunyo dinlari tarixi" faniga ham e'tibor qaratish lozim. O'quvchilar orasida diniy ekstremizm va missionerlikning oldini olish, diniy bag'rikenglikni targ'ib etishga qaratilgan tadbirlarga alohida e'tibor berish tavsiya etiladi.

Jumladan:

— **5–7-sinfalarda:** "Jonajon o'lkam tarixi", "Yosh huquqshunos", "Konstitutsiya olamiga sayohat" mavzularida ko'rik-tanlovlar, "Men qishlog'imni kelajakda qanday tasavvur qilaman?", "Rasmlarda Vatan tarixi" insho, rasm va foto tanlovlari o'tkazish;

— **8–9-sinfalarda:** "Tariximizda huquq ilmi", "Siz qonunni bilasizmi?", "Siz tarixni bilasizmi?", "Ajdodlar merosi" ko'rik-tanlovlari, "Konstitutsiya va biz", "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi", "Bola huquqlari to'g'risida"gi konvensiya, "Jonajon qishlog'im tarixi", "Maktabim tarixi", "Mustaqil O'zbekiston, seni tanidi jahon!" mavzularida ijodiy ishlar tanlovi o'tkazish; "Barkamol avlod – kelajagimiz poydevori", "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q", "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch", "O'zlikni anglash tarixi"

bilishdan boshlanadi", "Tarixiy xotirasi bor inson – irodali inson", "Tarix saboqlari insonni hushyorlikka o'rnatadi", "Tarix xalq ma'naviyatining asosidir", "Biz buyuk allomalarni yetishtirgan yurt farzandlarimiz", "Ogohlik – davr talabi", "Vatanparvar ajdodlarimiz" mavzularida referatlar tayyorlash tavsiya etiladi. Referat tayyorlashda muayyan mavzular tanlanib, metodbirlashmada tasdiqlanadi. O'quvchi referatni himoya qilayotganda metodbirlashmaning barcha a'zolari ishtirok etishi lozim. Eng yaxshi deb topilgan ishlar yig'ilib, foydalanish uchun maktab kutubxonasiga taqdim etiladi.

O'qituvchilar o'rtasida esa "Eng yaxshi dars ishlanmasi", fan kechalari, qiziqarli bahs-munozaraga boy tadbirlar dasturlari va mavzuli albomlar tanlovlari o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Viloyat, tuman(shahar)larda o'qituvchi va o'quvchilarning ijodiy ishlaridan ko'rgazmalar tashkil etish ham fan oyligining samarali o'tishiga xizmat qiladi. Eng yaxshi uslubiy birlashmalar, ilg'or o'qituvchi va metodistlarning ish tajribalari maktab va viloyat miqyosida ommalashtiriladi.

Respublika ta'lim markazi



Янги йил келмоқда...

Қиш эшик қоқиши билан Янги йил байрамини кута бошлаймиз. Байрам шарофати билан оила бир дастурхон атрофига йиғилади. Яхши кайфият, ширин сўз улашилади, эзгу ниятлар айтилади. Бошқа жиҳати ҳам борки, ўзинг билан ўзинг қолган, ўтган бир йил сарҳисоб қилинади. Нималарга улгурдим, нимага эришдим. Кетаётган йилда арзирли, эсда қоладиган, одамларга фойдаси тегадиган бирор иш қилдим-ми? Ойламдагилар, ҳамкасбларим, бошиқларим, қўл остидагилар ишимдан, муносабатларимдан мамнунми-кан?!

Ўзига мана шундай савол берадиган, янги йилни янги режалар билан қўтиб оладиган кишиларнинг ошмиги олчи. Улар олдига қўйган мақсадларини, албатта, забт этишади. Яқинда Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида бўлди. Жамоанинг бу йилда эришган ютуқлари, иш тажрибалари билан танишдик. Тўриси, раҳбардан тортиб оддий ходимгача бу таълим даргоҳига шунчаки келиб кетмади. Улар орасида ўқувчиларга нима бердим, коллежим учун нима қилдим, деган кайфиятда яшайдиганлари кўпайиб бормоқда.

Келинг, гапни сал узоқроқдан бошлайлик. Бундан уч йиллар олдин мазкур таълим муассасасининг аҳоли мақтаулиқ эмасди. Етарли шартшароит бўлса-да, имкониятдан унутили фойдаланиш ҳамон оқсарди. Давлат томонидан берилган ўқув амалиёти техникаларининг техник созлик ҳолати пасайиб борар, 13 гектарлик ёрдамчи хўжалиқдан эса қарздорлик анчага ортганди. Ушанда касб-хунар коллежида эндигина тайинланган директор Роҳатили Тожибоевни бу масалалар анча ўйлантирди. Ҳўш, нима қилиш мумкин? Қандай йўл тутмоқ керак? Аввал ўринбосарлар, кейин эса педагог ходимлар билан суҳбатлашди, маслаҳатлашди. Уларнинг чин дилдан ишлашига ҳалақит бераётган муаммоларни ўрганди. Сўнг ходимларнинг ўзига, касбига, қилаётган ишига муносабатини ижобий томонга ўзгартиришга муваффақ бўлди. Аниқ режа билан ишлаш кўникмасини ўрнатди сифатида кўрсатди. Натижа узоқ куттирмади.

Имкон — излаганники

2001 йили ўз фаолиятини бошлаган Юқори Чирчиқ қурилиш-иқтисодиёт касб-хунар коллежида қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам кичик мутахассислар тайёрланар, уларнинг ер билан тиллашиш сирларини ўрганиши учун коллежга туман ҳокимияти томонидан 13 гектарлик ўқув-тажриба майдони ажратилганди. Орадан йиллар ўтиб туман меҳнат бозорига мазкур йўналиш мутахассисларига бўлган талаб қондирилган, коллеж 2010 йилдан Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи номи билан қатор янги

касб эгаларини тайёрлай бошлади. Энди ер керакми-кан? Бошқа юмушларнинг ўзи етарли бўлиб турганда оёққа тушов, бўйинга юк бўлмасми-кан? Енг шимариб иш бошлаган янги раҳбар масалага бошқачароқ ёндашди. Кўпдан кўн қочиб қутулмас, агар ердан — ёрдамчи хўжалиқдан унутили фойдаланилса, кўшимча топилган маблағ ҳисобидан коллежнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мумкин. Шу ният билан бошланган иш бир йилдаёқ ўз самарасини кўрсатди. Барча қарздорлик ёпилди. Даромад кўзга ташланди. Навбатдаги йилда коллежга яна 22 гектар ер қўшиб берилди.

— Энг аввал, ишни ернинг мелиоратив ҳолатини яхши-

экилди. Гуллар таълим муассасасини ободонлаштиришга, қўкатлар эса бозорга чиқарилмоқда. Шу йил бундан уч ярим миллион соф фойда олинди. Шунингдек, "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик" йўналиши имкониятидан фойдаланиб, аҳоли автомобиллари таъмирланмоқда. Бу ҳам кўшимча маблағ топишга, ҳам ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг амалиётда мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Қаловини топсанг қор ҳам ёнар, деган гап бежиз эмас. Дўппини бошдан олиб ўйлаб қаралса, ишлатилмай ётган имкониятлар ҳали ҳам бор. Фақат буни ишбилармон каби ҳис қила олиш керак. Кол-

ДИРЕКТОР ТАДБИРКОР БЎЛСИН

Бу бугуннинг энг муҳим талаби

лашдан бошладик, — дейди Роҳатили Тожибоев. — Кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаландик. Ҳосилдорлик ортди. Масалан, бу йил 22 гектар ғалла экилган ердан 67 тонна ўрнига 78 тоннадан топширдик. Яна 15 тонна ортиб қолди. Уни ишчи ва ходимларимизга арзонлаштирилган нархда сотдик. Пахтадан эса давлат режаси бўйича гектарига 28 центнердан — жами 35 тонна топширишимиз керак эди. Биринчи теримдаёқ режа 125 фоизга бажарилди, 45 тонна топширилди. Шунда гектарига 36 центнердан тўғри келди. Насиб қилса, келаси йилдан тумандаги энг йилроқ 40 центнерлик фермерлар сафига бўламыз.

Бундан ташқари, коллеж ҳовлисида 4 сотихлик иссиқхона ташкил этилди. У ерга саксон тул лимон кўчати ўтказилди. Хали кўчатлар ёш бўлгани учун уларнинг таги-га гуллар ва ошқўкатлар

леж раҳбарияти кўшимча ишлаб топилган маблағни ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун керак бўладиган техник жиҳозларга сарфламоқда. Масалан, бу йилги на соф даромаддан 12та мультимедиа жамланмаси сотиб олиш қўзланаяпти. Ундан ташқари, ўқув амалиётида қўлланиладиган автомобиллар техник соз ҳолатда бўлиши учун кўриқдан ўтказиб эскирган, яроқсизланган зарурий эҳтиёт қисмларни янгисига алмаштириб туриш зарур...

— Коллежимиз янги ташкил этилган пайтлари ўқувчиларга диплом билан бирга ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бериларди, — дейди директорнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Алишер Асқаров. — 2007 йилга келиб эса моддий-техник база етишмаслиги ва бошқа сабаблар туфайли битирувчиларга ҳайдовчилик гувоҳно-

Ta'limda tadbirkorlik

маси бериш тўхтатилганди. Кўшимча даромад эвазига ҳайдовчиликка ўргатишда зарур бўладиган барча шартнослар яратилди. Бу йилдан эътиборан ВС тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш бўйича қайтадан давлат рўйхатидан ўтдик. Амалий машғулотлар учун мўлжалланган "Матиз" русумидаги машинага буюртма берилди.

Битирувчиға иш тайёр

Касб-хунар коллежида кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, тураржой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш, кўтарма транспорт ва йўл қурилиш

биркорликка қизиқувчиларга бизнес режаси қандай тузилиши, ишни бошлаш учун маблағ топиш усуллари бўйича йўл-йўриқ ва тушунчалар дарсдан бўш вақтларидаги тўғрақаларда ҳам касбий фан ўқитувчилари, мутахассислар томонидан берилмоқда. Бу йилги битирувчиларимизнинг беш нафари имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди.

Тўғрақалар тажрибаси

Касб-хунар коллежини таомлаётган ўқувчиларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш учун кичик мутахассис бўлиши керак деган қараш ўзини оқламайди. Агар битирувчи қизиққан касбининг бирламчи амалий жиҳатларини коллежда пухта ўрганиб, айна шу йўналишда олий таълимга борса, соҳаси бўйича академик билимларни тез ва осон ўзлаштиради, касбий компетентлиги ортади. Олий ўқув юртига кириш учун эса ўқувчи умумтаълим фанларидан давлат таълим стандартида белгиланган билимларни чуқур ўзлаштириб, кириш тест имтиҳонларидан ўтиши лозим.

Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт коллежида умумтаълим фанлари бўйича қобилияти, келгусида олий таълимда ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ўқувчилар учун фан тўғрақалари ташкил этилган. Тўғрақаларга ўқитувчилар тайин қилиниб, моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Ташаббус ўзини оқлади, ўқувчиларда бу борада пулли репетитор ёллашга ҳожаат қолмади. 2012-2013 ўқув йилида 8 нафар битирувчи олий таълим муассасасига қабул қилинган бўлса, 2013-2014 ўқув йилида эса бундай ўқувчилар сони 11 нафарга етди.

— Келгуси йилдан касбий фанлар бўйича ҳам айна шу тажрибани амалиётга татбиқ этамиз, — дейди Жамшид Равшанов. — Сабаби, соҳаси қизиқиши кучли бўлган ўқувчилар билан кўпроқ шуғулланиб, меҳнат бозоримизга қўлидан иш келадиган зўр уста тайёрлаб беролсак, олимизда турган мақсадни амалга оширган бўламиз. Ҳозир ана шундай фикрлайдиган ишлаб чиқариш таълими усталари заҳира базасини тўлдиришга эътибор қаратаямиз.

Ютуқлар калити — ишни тўғри ва изчил ташкил қилишда. Аниқ режа ва мақсад билан бошланган юмуш ўз самарасини кўрсатади. Бунга Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи мисолида ҳам кўрдик. Хайрлашув чоғида директорнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Алишер Асқаров шундай деди:

— Меҳнатларинг самарасини кўриш мароқли экан. Олдинга қўйилган вазифани уддалаганингдан кейинги лаззатни ҳис қилиб, ўзининг бахтли сезаркансан. Бу кайфият бизни янги марралар сари ундамоқда.

Аброр УМАРКУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири



Андижон ахборот технологиялари касб-хунар коллежида бухгалтерия ҳисоби ва аудит, электро энергетика, ахборот коммуникация технологиялари, информатика ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, почта хизмати йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

Бир минг олти юздан зиёд ўғил-қиз таҳсил олаётган таълим масканида назария ва амалиёт уйғун ҳолда олиб борилмоқда. Замонавий ўқув анжомлари, компьютер техникалари ўқувчилар ихтиёрида. 17 минг 700 дан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс марказида дарслик ва адабиётларнинг босма ва электрон нусхаларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузиш самарали йўлга қўйилган.

Зухриддин УМУРЗОҚОВ (ЎЗА) олган суратлар.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Барча ҳамюртларимизни,
Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими
вазирликлари тизимида меҳнат
қилаётган ҳамкасбларимизни
Янги йил байрами билан қутлаймиз!
Мамлакатимиз фаровонлигини
юксалтириш, таълим тизимидаги
ислохотларни изчил давом
эттириш йўлида улкан
муваффақиятлар
тилаймиз.

KUCH-BILIM VA TAFAKKURDA



БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати, профессор
ўқитувчилари, талабалари
жамоаси барчани

Янги йил билан

самимий

муборакбод этади!

2015 йилда Сизларга
бахт-саодат, мустаҳкам
соғлиқ, узоқ умр тилаймиз!



«MA'RIFAT» — 2014»



Хурматли муштарийлар, азиз ўқитувчи-педагоглар! Барчангизни 2015 йил — Кексаларни эъозлаш йили билан кутлаймиз. Ўзбекистон Республикасидаги «Ma'rifat» мундарижасидан 2014 йил давомида газета саҳифаларида эълон қилинган энг сара материаллар ўрин олган. Ушбу маънавий-маърифий, адабий-бадиий, методик материаллар иш-фаолиятингизни такомиллаштириб, дарсларингизни янада бойитишда яқин кўмакчи бўлади, деган умиддамыз.

ЯНВАРЬ

«Устоз, сизга ўғил бўлман». Ўқувчимнинг бу гапи мен учун энг катта муқофот эди (З.Мирақбарова, 1 январь).

Бедорлик, фидойилик чироғи: унинг шуъласида ўзига хос ижод маҳсули — янги дарс яратилади («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Энг яхши очерк ёки эссе» номинацияси қолиби. Қ.Матқурбонов, 1 январь).

Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонуни (4 январь).

«Weather clock» — ҳар фаслда ҳамроҳ ўқини дарс (А.Норкулов, 8 январь).

Кудратли элнинг болалари соғлом бўлур («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Воқеликка муносиб шарҳ» номинацияси қолиби. М.Курунов, 8 январь).

Гўдаклар сунъий озуқаси она сuti ўрнини боса олади(ми)? (Ф.Холмуродова, 8 январь).

Ўқитувчининг компьютер саводхонлиги она тили дарсларида қўшимча имкониятлар беради (Г.Зиёдуллаева, 11 январь).

Болам бахтли бўлсин десангиз (М.Курунов, 15 январь — 17 сентябрь).

Кураш болаларда ватанпарварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, орият каби қўлбал хислатларни шакллантиради (З.Холов, 15 январь).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ишхотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» мавзусидаги маърузаси (18 январь).

Замонавий технологиялар — ўйинчоқ эмас (С.Тожиёв, 18 январь).

Тилининг миллий таровати лугатларда соғлом сакланиши керак (Р.Жомонов, 22 январь).

Педагогнинг индивидуал ёндашуви ҳар бир ўқувчини муаммолари вазиждан чиқара олади (З.Намозова, 25 январь).

Гурбатда ғариб... (Б.Эрали, 25 январь).

«Case study» услубидаги дарс: у қандай олиб борилади? (Д.Раҳимов, 25 январь).

Васийлик ва ҳомийлик: соғлом болани тарбиялашнинг ҳуқуқий омили (Ш.Рўзизаева, 25 январь).

Физика дарсида компьютердан фойдаланиш машғулот тузилишини ўзгарилади, вақтни тежасди, ўқувчилар қизиқишини оширади (З.Сангирова, 25 январь).

Бешинчи чорак ёхуд таълим-тарбия узлуқсизлигини таъминлашда ўқувчиларнинг ёзги таълимини мазмунли ташкил этиш муҳимлиги ҳусусида («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Педагог-муаллимнинг долзарб материали» номинацияси қолиби. Ҳ.Абдукаримов, 29 январь).

Генетик ташхис ва тинимсиз машғулотлар спорт билан астойдил шуғулланишга бел боғлаган болани чемпионлик сари етаклайди (О.Отаёров, 29 январь).

Қишлоқда ҳаёт ўзгача (Ф.Холмуродова, 29 январь).

Мнемоника — хотира санъати (О.Кулмуродова, 29 январь).

ФЕВРАЛЬ

Жўнатилмаган мактуб (Н.Одинаева, 1 февраль).

Ўқувчи тингловчи эмас, фикрловчи бўлсин (Р.Қораева, 5 февраль).

Болалик ҳақида икки ҳикоя (М.Каршибой, 5 февраль).

Мактаб психологи таълим муассасаларида соғлом таълим-тарбия муҳитини юзга келтиришда муҳим рол ўйнайди («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Тарбияга оид амалий тақлиф» номинацияси қолиби. Ш.Шағиҳмедова, 5 февраль).

Навоий орзусидаги инсон (К.Муллаҳўжаева, 8 февраль).

Бобур Мирзонинг оталик муҳаббати (Д.Юсупова, 12 февраль).

Янги мутахассисликлар мамлакат истиқболи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, фан, техника ва технологиялар ривожига ҳисобга олинган ҳолда киритилмоқда (С.Жуманова, 12 февраль).

Мустақил фикрни ривожлантириш физика дарслари самарадорлигини оширади («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Оригинал бир соатлик дарс» номинацияси қолиби. Ф.Темишова, 15 февраль).

Экологик хавфсизликни таъминлаш омили (Ж.Холмўминов, 19 февраль).

Шахмат болага неча ёшдан ўргатилгани маъқул? (Х.Нишонов, 19 февраль).

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида ишлаб чиқаришнинг ўрни кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мутахассисларнинг етуқлик даражаси ва рақобатбардорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда (М.Темурзода, 19 февраль).

«Хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур...» (Х.Абулфайзов, 22 февраль).

Ҳамкорлик — муваффақиятлар асоси (С.Тошева, 24 февраль).

Ишончли мустаҳкамлаш сирлари (О.Отаёров, 22 февраль).

Домий мониторинг умумтаълим мактабларида чет тилларни ўрганиш жараёнида юзга келаятган барча муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга хизмат қилмоқда (А.Носиров, 26 февраль).

Реферат — ижодий иш: у қўчирмачилик билан эмас, мустақил ўқиб-ўрганиш асосида ёзилиши керак («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» номинацияси қолиби. Ч.Низомиддинова, 26 февраль).

МАРТ

Ўқувчи сумкаси: ҳажм ва вазнда меъёр борми? (Н.Эрхонова, 1 март).

Кибермобнинг: ундан болаларни қандай асраш мумкин? (С.Рустамов, 1 март).

Ўзбекистон фарзандлари жаҳон спорти шохсупасида (1 март).

Жамоатчилик назорати (М.Бекмуродов, 1 март).

Репродуктив саломатлик гўдакларнинг тўрт муҳаси соғ, зуваласи пишк, жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб дунёга келишини таъминлайди (Х.Тўйманова, 1 март).

Яшнаб келди юртимга Наврўз! (мактаб саҳнаси учун сценарий) (Ҳ.Олимова, 5 март).

Мактабга методист келди: самара-

си амалиётда қўринаяптими? (А.Содиқов, 5 март).

Назоратнинг янги усули ўқувчиларда ДТСда белгиланган билим, қўникама, малакалар шаклланиш жараёнини мунтазам кузатиб бориш, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тезкор чоралар қўриш имкониятини беради (Г.Орифжонов, 5 март).

Ахлоқ ва ҳуқуқ: улар чамбарчас боғлиқ («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Оригинал бир соатлик дарс» номинацияси қолиби. М.Имомиддинова, 5 март).

Мобиль телефон: унинг зарарини қандай камайтириш мумкин? (И.Абдуллов, 5 март).

Компетенциявий ёндашув ва қиёсий таҳлиллар давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашувида хизмат қилади (М.Темурзода, 8 март).

Физик ҳодисалар: мавзунинг ҳаётга боғлаш имконияти (Д.Ҳомидов, 12 март).

Ўсимликлар дунёси ҳаёт манбаидир (М.Матвафоева, 12 март).

Ён қўшни — жон қўшни (Ш.Муроджон қизи, 15 март).

Неки қилсак, боламиздан қайтасан (Р.Ҳўжаева, 15 март).

Таълимида тадбиркорлик муассасасида қўшимча шарт-шароит яратиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришга хизмат қилади (А.Норкулов, 20 март).

Буюқ қобка қиссаси («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Энг яхши очерк ёки эссе» номинацияси қолиби. А.Жуманазар, 20 март).

Юлдузларга талпинган аллома (М.Дилмуродова, 20 март).

Сурхонда сайил (Ж.Жаҳон, 29 март).

Тил таълимига компетенциявий ёндашув («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Энг яхши мақола» номинацияси қолиби. Б.Менглиев, Г.Зиёдуллаева, 29 март).

Таълимида мустақил иш қандай ташкил этилса, самарали бўлади? (И.Жўраев, 29 март).

АПРЕЛЬ

Болангиз расм чизаяпти! Унга қандай кўмак бериш мумкин («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Самарали методик материал» номинацияси қолиби. А.Сулаймонов, З.Сулаймонова, 2 апрель).

Илмдан амалиётга. Айнан шу тамойилга таяниб ишлайтган тарих фани ўқитувчиси яратган «Археология» виртуал-музейи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда (З.Намозова, 5 апрель).

Миллат кудратининг тимсоли (Д.Каримов, 5 апрель).

Соғлом болани тарбиялаш омили (Х.Абдукаримов, 5 апрель).

Болалар билан меҳмонга бориш: унинг ижобий ва салбий жиҳатлари борми? (Н.Раҳмонова, 9 апрель).

Физика таълимига компетенциявий ёндашув (Н.Турдиев, 12 апрель).

Оилага психологик хизмат: ҳолат, таъриба ва истиқбол (У.Қодиров, 12 апрель).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (16 апрель).

Қўлларимда кўнглимни яратганман... («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Қизиқарли интервью, суҳбат» номинацияси қолиби. Н.Мамбетирзаева, 16 апрель).

Болангиз ботир бўлишини хоҳлайсизми? (Ш.Акрамова, 19 апрель).

Қидирув тизимлари: улардан тўғри фойдаланишни биласизми? (С.Рустамов, 19 апрель).

Йўллар раван, манзиллар яқин. Зотан, йўлсизликкед мураккаб соҳа тараққиёти бардавломлигини илм ва амалиёт уйғунлигида таҳсил олган салоҳиятли мутахассислар зиммаларига оли-

шаётир (О.Очилова, 23 апрель).

Шаҳарлик муаллима чекка қишлоқда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Воқеликка муносиб шарҳ» номинацияси қолиби. У.Мейлиев, 30 апрель).

Она сuti — бебаҳо неъмат (Х.Тўйманова, 30 апрель).

МАЙ

Ҳаёт битиклари («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Ўқилиш бадиий асар» номинацияси қолиби. Д.Ражаб, 3 май).

Ота бўлиш осонми? (Ҳ.Мўминов, май).

Тарбиячининг машғулотага тайёргарлик модули педагогик вақтини самарали ўтказиш имконини беради (С. Ирисова, 7 май).

Юксакликка қоралётган имкониятлар (Қ.Матқурбонов, 7 май).

«Speak English every day!». Нукус шахридаги 1-ИДУМнинг чет тилини ўргатиш таърибаси (Н.Мамбетирзаева, 10 май).

Юқори синфга ўтган ўқувчи мослашув даврида қийналмаслиги учун нима қилмоқ керак? (О.Худойбердиева, 14 май).

Соғлом бола тарбияси: бунда оилавий қадриятларнинг роли муҳим (В.Қўчқоров, 14 май).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожиди»ги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи (17 май).

Ёзги таътил — тайёргарлик фасли бунда ўқувчиларнинг вақтини маъмули ўтказиш учун нима қилмоқ керак? (Х.Мурод, 21 май).

Гиперфаол бола: унга қандай ёндашган маъқул? (Ф.Холмуродова, 21 май).

Баҳолар табели: унда акс этган натижа ота-она, ўқувчи ва ўқитувчи меҳнати самарасидир (Н.Эрхонова, 24 май).

Оҳанрабо («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Энг яхши репортаж» номинацияси қолиби. О.Жумабоев, 24 май).

Оз бўлса эпла, кўп бўлса сепла (И.Жўраев, 24 май).

Инфографика тасаввурингизни тейранлаштириди («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» номинацияси қолиби. Ж.Холиқов, 24 май).

Комиллик ибтидоси («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Энг яхши мақола» номинацияси қолиби. Ж.Бекназар, 24 май — 26 июль).

ИЮНЬ

Тестни тез ечиш усуллари («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Самарали методик материал» номинацияси қолиби. М.Мирзаҳмедов, Ф.Усмонов, Ф.Раҳимова, 4 июнь).

Баркамолликнинг 16 шарт (З.Холов, 4 июнь).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захира»ги мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи (7 июнь).

Оилада тиббий маданият психологияси (В.Каримова, 11 июнь).

Болани мактабга тайёрлаш: майда қўл моторикасини ривожлантириш усуллари (Ш.Бахронова, 18 июнь).

Ўқувчиларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари (А.Нурмонов, Г.Зиёдуллаева, 18 июнь).

Тармоқ ҳужайралари тиббиётда янги уфқларни очмоқда (Д.Бердиева, 18 июнь).

Ўқувчини фаоллаштириш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ («Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг «Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» номинацияси қолиби. Ш.Шаҳобова, 21 июнь).

DNK molekulasi spiralsimon bo'lishi bilan Yerning Quyosh atrofidagi spiralsimon harakatida aynan o'xshashlikni payqagan bo'lsangiz kerak?!

Хаёлга чўманам. Ўйланаман: тирлик олами нимадан бошланади ва нима билан тугайди?..

Тирлик мавжудотининг асоси — хужайралар. Хужайралардан эса хилма-хил тўқималар, яъни суяк, мушак, нерв, контомирлар, тери, қон элементлари — эритроцитлар, лейкоцитлар ва бошқа муҳим аъзолар ҳосил бўлади. Хужайралар жуда мураккаб тузилган. Асосан тўрт асосдан, яъни ядрочаси, ядроси, ядроси атрофида айланувчи суюқлик, суюқлик ичидаги хужайранинг ҳаётини ва бажарадиган ишини таъминловчи элементлар, мураккаб моддалар, оксиллар ва майда ҳосилалар — ҳамма-ҳаммасини ўраб бир қолида тутиб турувчи хужайра қобиғидан иборат. Ҳозирги пайтда хужайрани миллионлаб марта катталаштириб кўрсатадиган энг мукамал микроскоплар ҳам хужайра тузилишидаги сир-асрорини тубига ета олганича йўқ. Демак, тўрт ҳосиладан ташкил топган хужайранинг сирлари ойдинлашмоғи учун ҳали анча вақт бор.

Бизнинг келажак ҳаётимизнинг қай йўсинда ва сифатда бўлиши, умримизнинг қанча вақтга тенглиги, тафаккур дунёимизнинг қанча салоҳиятга эгалиги мана шу хужайра сирларини мукамал тарзда билмоғимиз билан ўзвий боғлиқ. Бу эса келажак ҳаёт оқимининг салбий жиҳатларини бир қадар тизгинлашга қулай шароит яратаяди ҳамда йўл очади. Холисанлило айтганда, сирлар маконига катта туйнук очиб, тафаккур синчков кўзи билан кўриб ва кузатиб, таҳлиллар қасрининг энг тўридан жой эгалламоғимиз лозим.

Инсонни қуршаган чексиз ҳаракатдаги қадим муҳитда тилсимлар олами нисбатан ўзгаришсиз ҳукм суради. Уларнинг ҳукмини инсон, қанчалик қудратли бўлмасин, ўзгартиришга ҳаддан ташқари ожиз. Инсоннинг вазифаси шу тилсимлар сирини тафаккур доирасида имкони борица собитлик билан очавериш, унинг самарасидан энг уқори даражада фойдаланиш, шундай бўлмоқда ҳам ва бу ҳол давом этмоғи шарт.

Галактика, унга ёндош дунёларнинг барчаси жуфтликлар асосида ташкил топган. Яққалик эса фақатгина Оллоҳга ярашади ва унинг ўзига хос. Яққалиқнинг бошқа айрим жиҳатлар ва нарсаларга ҳамда ҳодисаларга ҳам тегишли эканлигини исботлаш учун олимлар, ҳозирги замоннинг улкан ютуқларидан фойдаланган ҳолда, энг замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланиб, қуйидагича мураккаб тажриба ўтказишди. Эътибор қилин! Маълумки, гелий элементининг ядросида иккита мусбат зарядли позитрон бўлиб, электрон каватида 2 манфий зарядли электрон айланади. Олимлар электрон микроскопда гелий ядросининг катталигини баскетбол түпи ўлчамигача келтиришди-да, унинг орбитасидан битта электронни олиб қўйишди. Бу билан улар яққалик мўъжизасининг бошқа ҳолларда ҳам мавжуд бўла олишини исботламоқчи эдилар. Бироқ натижа қутилганидек чиқмади. Орадан бир неча сония ўтган, гелий орбитасида тамомла янги электрон пайдо бўлди! Олимлар тажриба майдонини ҳар хил усуллар билан ўта жипс берктишиб, минг мартаб тақорлашди. Аммо фойдаси бўлмади. Яққалик ва танҳолик фақат Оллоҳга ярашади ва фақатгина унга ҳосидир, деган қонуният узил-кесил ўз ибодитини топи.

Жуфтликлар бирга қўшилиб, тўртликларни ташкил қилади. Ти-

риклик олами эса тўртликлардан иборат. Бу ҳақиқий мўъжиза! Теварак-атрофга диққат билан разм солинг. Идрок этганингиз сари Буюк яратувчининг гўзал ва мукамал санъатига қойил қолмасдан иложингиз йўқ.

Қуйида юксак ва турғун олий тартибга риоя қилмоқнинг амалига бутун диққатингизни қаратинг: она Еримиш биз билан биргаликда Қуёш атрофида 28,28 км/сония тезлик билан айланмоқда. Ўз навбатида, Ер ўз ўқи атрофида 11,1 км/сония тезлик билан доимий ҳаракатда. Беш миллиард йилдан ошибдики, Ернинг суръати ҳеч бир ўзгармасдан қолмоқда. Ахир бу юксак мўъжизанинг бир кўриниши эмасми?!

Қишнинг аёзи ўта совуқ игнаси билан бурнингизнинг аини учига санчилиб-санчилиб қизартирганидан сўнг, илиқ кунлар келишини интиқ бўлиб кутдингиз. Мана, сиз

нинг диаметри Ер диаметридан 4 марта кичик қилиб яратилармиди?! Тўлин ойнинг ердан кўриниши худди қуёш каби. Қуёшнинг диаметри Ой диаметридан 400 марта катта, Қуёш ҳам Ердан Ойга нисбатан 400 марта узоқда жойлашган. Мана шундай мутаносибликда ким жойлаштирди экан?!

Мана шундай мўъжиза оламида пайдо бўлган ҳаёт ўзида ҳам жуфтнинг жуфти — тўртликлар мўъжизасини намойён қилади. Биламизки, ер юзидagi барча тирикликларнинг асоси дезоксирибонуклеин (ДНК) кислотадан иборат. Агар швейцариялик биолог Иоҳанн Фридрих Мишер (1844–1895) томонидан 1868 йили кашф этилган бу кислота ўз мавжудлигини йўқотса, ер юзидagi ҳаёт ҳам барҳам топади. Америкалик биологлар Фрэн-

Жуманазар БЕКНАЗАР

ТЎРТЛИКЛАР ҲИКМАТИ

кутган баҳор! Сиз сайрдасиз. Кун илиқ. Осмонга ўз тафтини таратаётган тўлин ойга кўзингиз тушди. Унинг аини ўнг тарафидаги бир түп булут ой ёруғига ўзини тоблаб, ҳар дақиқада товланиб ўзгараётган чиройини кўз-кўз қилаётгандек. Чап тарафида эса, пирпираётган ёрқин юлдуз. Сизни ўзига тортиб, худди суҳбатга чорлаётгандек. Бу мафтункор манзаранинг асл моҳиятини, нима учун сизнинг дилингизда ажиб жозиба уйғотиб, лол қолдираётганини идрок эта бошлайсиз. Лекин нега шундай мўъжизавий манзара, деган савол қалбингизнинг бир четини безовта қилмайди ҳам. Гўёки худди шундай бўлиши керакдек. Чунки бундай манзаралар инсон учун! Беихтиёр равишда жўшқин фалсафий сатрлар хаёлингиздан бирма-бир ўтаверади-ўтаверади:

**Тиниқ эди осмон, термўлади ой,
Таъриф бергил дея мен**

томон боқиб.

**Аслини ёзай деб изландим бер ой,
Ва хаёлга келди сатрлар оқиб.**

**Тиниқ эди осмон, сузарди булут,
Уфқдан таралади нурининг тароғи.
Тесқари тарафда чакнади ёқут,
Сўнгра ярқиради осмон чироғи.**

**Барглари шабада силағач секин,
Куртаклардан учар завқли**

бир туйғу.


**Гулларнинг япроғин эркалар эпкин,
Асаларилардан йўқолар қайғу.**

**Чаманзор оралаб кезаркан булбул,
Ифрлар кайфига тополмай чора.
Гулранглардан ўзини**

йўқотди буткул,

**Қандайин сайрашни билмай бечора...
Тиниқ эди осмон, мамнун кулар ой,
Таъриф бергил дея мен томон боқиб.
Бунга мен ожизман, аммо не қилай
Эпларман-да эртан таърифинг топи!**

Ажиб манзара! Ойлар, йиллар ўтиб, яна ўша чирой, ўша ажойиб кўриниш кўз олдингизда намойён бўлади. Энди сиз бу мўъжиза манзаралар фақат Инсон учун бўлаётганига чинакам ишонч ҳосил этдингиз! Йўқса, худди шундай ажиб манзарани ҳосил қилиш учун Ой-



сис Крик (1916–2004), Жеймс Уотсон (1928–2004) ҳамда англиялик биолог Морис Уилкинс (1916–2004) ДНК молекуласининг узун иккита спиралсимон, яъни худди зинапо-яга ўхшаш айланиб чўзилганини, асосан гуанин, аланин, тимин, цитизин каби тўртта аминокислоталар занжиридан ташкил топганини 1953 йили аниқладилар. Иккита, айнан бир-бирига ўхшаш параллел спирал бир-бирлари билан гуанин-цитизин, аланин-тимин моддалари ёрдамида мустаҳкам боғланган. ДНК фақат хужайра ядроси ичида бўлиб, у ядро мембранаси, яъни ушбу муҳим ҳосилани ўраб турган нозик пардадан ташқарига чиқа олмайди. ДНК наслий қалит. Бўлажак инсоннинг ташқи кўриниши, кўзлари рангининг қандай бўлиши, руҳий хусусияти, юриш-туришларининг ўзига хослиги — барча-барчаси ДНК молекуласида кодланган. Чақалоқнинг сўт тишлари қачон чиқиб, қай вақт доимий тишлар билан алмашиниши, неча ёшга кирганида сочлари оқариши, мўйлови чиқиши, қизларнинг балоғатга етиш вақти, гапларини қай йўсинда гапириши, юзининг қай кўринишдаги ажинлар билан қопланиши, қайси ёшида, куннинг қайси соати, дақиқаси ҳамда сониясида юрагининг тўхташи ҳам ДНК молекуласининг ҳар бир спиралсимон занжиридида қатъий ўта аниқлик билан дастурланган.

Худди шу ҳолда сизда жуда кизик савол туғилади: ДНК молекуласи хужайра ядросидан ташқари-

га чиқа олмас экан, қандай қилиб ҳаётий ўзгаришларнинг босқичма-босқич давом этишини назорат қила олади? Мана, яна бир мўъжиза: у хужайра ядросидан ташқарига чиқиши учун рибонуклеин кислотасига (РНҚ) айланади, яъни молекуласидаги тўртликни ўзгартирмасдан тимин моддасини урацилга алмаштиради-да, хужайра ядроси мембранасидаги туйнуқларини оча олади: РНҚ хужайра суюқлиги ичига чиққач, ДНК берган буйруқларни буйруқ бажарувчи хужайраларга етказаяди. Хужайралар э буйруқни бажаришга дарҳол киришади.

Мана шу мукамал жараёни кашф этиб, таърифлаб берганлари учун Фрэнсис Крик, Жеймс Уотсон, Морис Уилкинс 1962 йили Нобель мукофоти совриндорлари бўлдилар.

Шу тобда мулоҳазаларимизни кенгрок баён қилсак, мўъжизаларнинг мўъжизасига дуч келамиз. Эътибор беринг: Ер Қуёш атрофида айланади. Қуёшнинг ўзи ҳам галактикамиз маркази атрофида айланади-ку, ахир! Буюк бутун олам тортиш кучига биноан, она Еримиш ва барча сайёраларни Қуёш ўз бағридан айирмайди. Ўз пинжиди доим олиб юради. Демак, Ер ҳам ҳаракатдаги Қуёш атрофида айланаётганда, айланасимон эмас, балки илгариланма спиралсимон ҳаркат қилади. ДНК молекуласининг спиралсимон бўлиши билан Ернинг Қуёш атрофидаги спиралсимон ҳаракатидаги айнан ўхшашликни пайқанган бўлсангиз керак?! Мана, сизга яна бир мўъжиза!

Кўзга кўринмас ДНК ва РНҚ молекуласи ҳамда миллиард километрик масофага ёйилган галактика системасидаги ўхшашлик!

Энди бошқа бир жиҳатга диққатимизни жалб этсак. Аминокислоталардаги водород, кислород, азот атомларини тўртинчи элемент — углерод қаттиқ боғлаб, жипс ушлаб туради. Яна битта тўрт сони демокчимисиз? Ҳа, яна битта тўрт сони! Бунинг устига, углероднинг ўзи ҳам тўрт валентли, яъни тўртта қўли бор! Фикр-мулоҳазаларимизни кенгайтириб, эътибор доирамизни имкони борица торайтирганимизда барча тирикликнинг асоси икки жуфт қўлли углерод эканлиги равшанлашади. Мана, сизга иккита спиралсимон узун ДНК оксилнинг тузилиши — тўрт қўлли углерод, тўртта унсур, яъни азот, кислород, водород, углерод элементлари, тўртта аминокислота. Мана шу тўртликлар гуруҳидан ҳаётда давомли мўъжиза давом этаверади.

Мана шу тўртликларнинг ҳар хил вариантларидан, металллар ва металллоидлар элементлари билан ҳосил қилган жуда мураккаб молекулаларидан она Еримиш яралган, ҳаёт пайдо бўлган.

Инсоннинг ўзи эса яна бир тўртлик — сув, олов, ҳаво ҳамда тупроқдан яралган. Кислород ва водород жуфтлиги бириктишидан пайдо бўлган сувдаги тўртта аминокислоталардан оксиллар, сўнг тўқималар ҳосил бўлиб, улар оловда товланиб, инсон юзига келган ва ҳаводан нафас ола бошлаган. Биз нафас олаётган ҳавонинг асосий таркибига эътиборингизни қаратинг: азот, кислород, аргон, қарбонат ангидрид гази, яъни асосан тўртта таркибдан ташкил топган.

(Давоми кейинги сонда.)

Ma'rifat

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ МОБИЛЬ ИЛОВА

“Samsung” kompaniyasi koreyalik mutahassise, muhandis hamda shifokorlar bilan hamkorlikda “Look at me” (“Menга қара”) nomli mobilь ilova ishlab chiqdi. Mazkur ilova avtizmга чалинган болаларнинг атрофдагилар билан эркин мулоқот қилиши, уларни тушуниши ҳамда ўз ҳиссиётларини ифодалай олишига қаратилган.



Ушбу касал-

ликдан азият чекувчи болалар ўз тенгқурлари ва ҳаттоки, қариндошлари билан ҳам мулоқот қилишдан тортинишади. Ўйин шаклида яратилган янги илова ёрдамида аутизмга чалинган болалар ёнида турган инсонларнинг хатти-ҳаракатларини кўриши ва ўз ички ҳиссиётларини атрофдагиларга ифода этишни ўрганишлари мумкин. Албатта, бунда смартфоннинг суратта туширувчи камераси уларга яқиндан кўмаклашади. Мисол учун, бола онасини камера орқали суратта тушириб, илова ёрдамида унинг ҳаракатларини фаҳмлай олиши кўзда тутилган.

“TechCrunch” kompaniyasi tomonidan ўtkazilgan tajribada 20 nafar xastalikka chalingan bola ishtirok etdi. Olingan natijalarga kўra, sinovdan sўng sakiz haftа davomida kuzatuvda bulgan 60 foiz bemor bolalar ilovadan bemalol foydalana boшlagan. Ular ўz tengqurlari bilan mu-loqotga киришиб, фикр алмашгани ҳам кузатилди. Жумладан, иштирокчилардан бири, 11 ёшли Жонг-Хиун Кин илова ёрдамида нафақат инсонларнинг кўзига қарашни ўрганган, шунингдек, ўзининг мулоқот кўникмасини ҳам шакллантира бошлаган. Мутахассислар янги мобил дастурдан кунига 15 дақиқа давомида фойдаланишни тавсия этишмоқда. Мазкур иловани “Google Play”дан bepул юклаб олиш мумкин.

ПЛАСТИК ИДИШЛАР ОЗУҚАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Маълумки, Ер юзида пластик чиқиндилар ҳажми ҳаддан зиёд кўпайиб кетмоқда. Биргина дунё океани юзасида сузиб юрган пластик буюмлар қолдиқларининг умумий оғирлиги юзлаб тонналарга ошиб бормоқда. Мазкур муаммони қай йўсида бартараф этиш мумкин, деган саволга австриялик олимлар самарали ечим топиди.



Мутахассислар Нидерландиянинг Утрехт университети тадқиқотчилари билан ҳамкорликда маиший чиқиндилар билан озиқлاندиган, истеъмолга яроқли кўзқорин етиштиришнинг махсус тизимини ишлаб чиқди. Бу эса экотизим учун жуда фойдали.

2012 йили Американинг Йель университети тадқиқотчилари пластикини ҳам парчалай оладиган кўзқоринлар оиласи (Pestalotiopsis Microspora)ни аниқлашган эди. Бу воқеа пластик буюмларни қайта ишлаш борасида олиб бориладиган тадқиқотлар учун йўл очди. Тадқиқот натижалари чиқинди муаммосига ўсимлиқни озиқлантириш орқали ечим топш мумкин, деган ҳулосага олиб келди.

Тадқиқотчилар икки хил кўзқорин етиштириш кўзда тутилаётган одатий стол кўринишидаги мини-ферма лойиҳасини ишлаб чиқиди. Аввало чиқинди “фаоллаштириш камераси”да ультрақизил нурлар ёрдамида стерилизация қилиниб, парчаланиш босқичига ўтказилади. Натижада ёпишқоқ мода ҳосил бўлиб, кўзқорин истеъмол қилиши учун яроқли ҳолга келтирилади.

Лойиҳа муаллифлари бир қатор тайёрлаш усулларини ҳам ишлаб чиқиди. Озуқа таркибига ҳаттоки манго, шоколад, сабзи таъминини берувчи махсус аралашмалар қўшилди.

Синов тарикасида етиштирилаётган кўзқоринлар атрофига думалоқ шаклдаги озукалар жойлаштирилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан шу вақтда кўзқориннинг ўсиш жараёни фаоллашади. Икки ойдан бери амалга ошириб келинаётган жараёнда ҳозирча биологик зарарли пластик (полиуретан)дан фойдаланилмоқда. Келажакда олимлар технологияни ривожлантириб, пластикларнинг бошқа турларини ҳам қайта ишлаш жараёнига олиб киришни режалаштирган. Етиштирилаётган кўзқоринлар махсус синовдан муваффақиятли ўтса, келажакда сотувга ҳам чиқарилиши мумкин.

USB ЭНДИ ЎЗГАЧА СТАНДАРТДА

“Intel” kompaniyasi жорий йил бошида бир қатор қулайликларга эга «USB 3.1» янги стандартини намоиш этган эди. “DigiTimes” нашрининг хабар беришича, келаси йилнинг биринчи чорагидан бошлаб бундай қурилмаларни сотувга чиқариш режалаштирилмоқда.

Мазкур USBнинг янги стандартида маълумотларни юбориш тезлиги сониясига 10 гигабитгача етиши кутилмоқда. Бу эса “Apple” kompaniyasi tomonidan yaratilgan “Lightning” bog'lovchisining ҳажмига тенг демакдир. Коннектор қурилмасига исталган томондан уланishi имконининг мавжудлиги «USB Type-C»нинг бошқа қурилмалардан ажралиб турувчи асосий жиҳати ҳисобланади.



SUPERSPEED

CERTIFIED

USB

Маълум қилинишича, 2015 йилда ишлаб чиқариладиган янги нoutbukларнинг асосий қисмига «Type-C» ўлчами ўрнатилади ва «USB 3.1» стандартидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Ҳатто “Apple” kompaniyasi tomonidan ishlab chiqariladigan noutbuklarda ҳам инновацион коннектор-боғловчидан фойдаланиш кўзда тутилган.

USB чипларини етказиб берувчи асосий компаниялар сифатида «Genesys Logic», «Alcor Micro», «ASMedia Technology», «Prolific Technology» ва «Phison Electronics» кўрсатиб ўтилган. Албатта, мазкур стандартни амалиётга жорий этиш учун биров вақт талаб этилади. Шундай бўлса-да, янги стандарт USB йўналишида катта бурилиш ясашига умид билдирилмоқда.

ТУНДА ЭЛЕКТРОН КИТОБ ЎҚИМАНГ

Миллионлаб китобхоналар ухлаш олдидан мутлоаа қилишни хуш кўради. Бироқ сўнги йилларда китоб ўқишга мўлжалланган электрон ускуналарнинг анча оммалашиб бораётгани мутахассисларни хавотирга солмоқда. Олимлар мазкур воситалар орқали мутлоаа қилишнинг бир қатор салбий оқибатларини маълум қилди.

Тадқиқот муаллифлари дастлаб 20 нафар кўнгилли билан кузатув ишларини олиб боришди. Биринчи гуруҳ маълум муддат давомида босма китоб мутлоаа қилган бўлса, иккинчи гуруҳ рангли экранли электрон қурилма орқали бадиий асар ўқишга тутинди. Олимлар ҳар икки ҳолатни ҳам кузатиб, электрон воситалардан тарафлаётган нур инсон организмидagi ҳаётий ритмнинг бузилиши ҳамда уйку гормони ҳисобланган мелатониннинг ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилишини аниқлашди. Мелатонин гормонининг камайиб кетиши эса нафақат уйку бузилишига олиб келади, балки кўкрак беzi саратонига чалиниш хавфини ҳам оширади.

Мутахассисларнинг кузатувларига кўра, уйкудан олдин электрон китоб ўқийдиган инсонларнинг аксарияти уйкусизликдан азият чекишмоқда. Бундан ташқари, мабодо дам олишга ётган тақдирда ҳам одатдагидан узокроқ вақт ичида уйкуга кетиш ҳолати кузатилади.

ЭНГ КАТТА СУЗУВЧИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

Япониялик муҳандислар сувнинг иссиқлик сақлаш хусусияти асосида ишловчи дунёдаги энг катта сузувчи қуёш электростанцияси қуришни режалаштирмоқда.


Электростанцияни қуриш ишларини “Kyocera Corporation” корпорацияси амалга ошириши, шунингдек, «Kagoshima Nanatsujima» электростанцияси бунёд этилишида катта тажриба тўплаган мутахассислар жалб қилиниши белгиланган. «Kyocera» kompaniyasi бошқарувчиларидан бири Нобуо Китамуранинг фикрича, олимлар қуёш энергиясини янада самарали тарзда ишлатиш учун жуда кўп вақт изланиш олиб борган. Энди бу соҳада янгича усулни қўллаб, сув юзасидаги бўш ҳудудларда қуёш энергиясини тўплаш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Янги электростанция катта масштабли ҳудудни эгаллаши, унинг таркибида «Yakamiga Dam» сув омбори юзасида махсус понтон(кўприк)ларда сузиб юрувчи 50 минг фотогальваник модуллар бўлиши мумкин.

Фотогальваник модуллар сув юзасида 180 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Электростанция йилга 15,6 мегаватт-соат энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Мазкур миқдор ўрта ҳисобда 4700та уйни энергия билан таъминлашга етади. Бундан ташқари, сузувчи қуёш электростанциясида тўпланган энергия ҳар йили атмосферага чиқиб кетаётган 7800 тонна карбонат ангидрид газини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради.

Электростанциядан фақатгина қуёш энергиясини тўплаш учун фойдаланилмайди. Унинг таркибида ўкув маркази ҳам ташкил этилиб, мактаб ўқувчилари ҳамда талабалар экологиянинг ифлосланишига қарши тадбирларда иштирок этадилар ва энергия манбаларини асрашга оид маърузаларни тинглайдилар.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.



ЯШАШ САНЪАТИ

Хаёллар вақти-соати билан ҳақиқатга айланоми муқаррар

Бугун ниятимга етдим! Қанақа истак, қандай қилиб, дейсизми? Майли, бошидан сўзлай қолай. Икки ой аввал "Орзулар" деган лавҳамга ноутбукнинг расмини илиб қўйгандим. Ишонасизми-йўқми, қутилмаган жойдан ўз оёғи билан келиб турибди-да...

Арабларда «Ниятинг — амалинг» деган мақол бор. Дарҳақиқат, нимани ўйласангиз, бу коинот аро беиз кетмайди, албатта моддиятга айланади. Шакиямунни Будда ёмонлик ҳақида хаёл қилган шогирдига: «Сен дунёни ёвузликка тўлдиришга ўз ҳиссангни қўшиб бўлдинг», дегани бежиз эмас. Ўй-хаёллар сиздаги куч-қувватни бирлаштириб, тегишли томонга йўналтиради. Худди кучли магнитдек керакли воқеа-ҳодисани, зарур нарса-буюмни сиз томон тартади. Замонавий психология ҳам буни исботлаган.



Соғайтирувчи визуализация билан кунига камида уч марта ўн беш дақиқадан шугулланишни тавсия этади. Шунда ҳар қандай хасталикни енгиб ўтишингиз мумкин.

Сен қидирган нарса сени қидираяпти.

Жалолиддин РУМИЙ

Жилғанинг ғайрати. Устознинг ибрати

Ривоятда айтилишича, бир жилғанинг орзуси улкан денгизга қўшилиб, мавж уриш эди. Аммо бепоен чўл сари оқиб борар, кумлар бағрига сингиб кетишдан қўрқар экан. Шунда ғойибдан: «Йўлингдан давом эт! — деган овоз эшитилди. — Акс ҳолда, ҳеч қачон ўзингнинг нималарга қодир эканингни билолмайсан». Жилға руҳланиб, янада жадаллашибди. Иссиқда суви бўғлиниб, булутга айланибди. Шамол булутни ҳайдаб кетибди ва айнаи денгиз узра шаррос ёмғир қуйибди. Қиссадан ҳисса шуки, олдимизда қақроқ саҳро бўладими, баланд тоғу тошми, мақсадимиз уммонга етиш бўлса, қутилмаган пайтда қутилмаган тарафдан, албатта, нажот йўли кўринади. Ишончимизни сўндирмасак, бас!

Қадим ривоят бор. Устоз ҳар кун «Одам имонининг кучи билан ҳатто сув устида юриши мумкин», дея таълим бераркан. Солиҳ шогирд эса уйдан кела-кела, кўлдан пойи-пиёда ўтаркан. Буни эшитган пир ўз назариясини амалиётда синаб кўрмоқчи бўлиб, денгизга борибди ва сувга қадам қўйибди. Маълум масофа юргач, «Наҳотки...» дея оёқлари тиги қарши билан мувозанатни йўқотиб, чўка бошлаган экан... Энди айтинг-чи, сиз шогирднинг ўрнида бўлишни истармидингиз ёки устознинг?



"Ким бўлсам экан?"



Кимдир қўли энгил шифокор, кимдир фидойи ўқитувчи, яна биров уста хунарманд бўлиш ҳақида қоғоз қоралаган экан.

Мақтабни битирганимизга ўн йил тўлиши муносабати билан барча синфдошлар ва қадрдон устозлар йиғилдик. Севибли синф раҳбаримиз биз ёзган ўша иншоларни ўзи билан олиб келибди. Тасодифми ёки омад, ёхуд истакнинг кучими — билмадим, синфдошларимнинг 90 фоизи дафтарда битилган касбларни эгаллабди.

Энди билсам, «Ким бўлсам экан?» мавзусидаги иншо ҳаётимизни тўғри оқимга солиб, бизни аниқ манзил сари йўллаган экан. Хадиси шарифларда таъкидланганидек, ҳар бир амал — хоҳ тил, хоҳ тан билан ёки оз-кўпلىгидан қатъи назар — ниятга қараб ижобат бўлади: агар ният ёмон бўлса, амал ҳам бузуқ, ният яхши бўлса, натижа ҳам шунга ярашади.

Кўкка учган Нафиса — ерда қолган Мен



Курсдошим Нафиса иккимиз бир хонада яшардик. Дугонам сал-пал халпарастлиги, орзулар осмонидега учиб юриши билан бизга ўхшамасди. Бир кун барча ниятларини қоғозга тушириб, ётоқхона деворига илиб ташлади денг. Роса кулганим эсимда. «Эй одам боласи! Амалга ошмайдиган хомхалларингни бас қил. Ахир, бунга имконинг йўқ-ку?!» десам, Нафиса: «Кўрасан, барчасига эришаман!» дерди қатъий. Баландпарвоз орзулари сирасидан Жанубий Кореяга бориб ўқиш (у корейс тилини ўргарди) нияти ҳам жой олганди. Ишонасизми-йўқми, бир йил ўтар-ўтмас, билими ва имконияти ундан ан-

Sizga gapim bor

чайин устун курсдошлари орасидан айнан Нафиса грант асосида шу бахтга муяссар бўлди. Дугонам санолатда кўкка учди, мен эса тўрт девор ичида Нафисасиз қолдим.

Орзу-мақсадлар худди нихолга ўхшайди. Меҳр билан суғорилса, гурқираб ўсади, шигил мева тугади. Аксинча, эътибор қаратилмаса, сарғайиб сўлиши тайин. Кимки ниятига етишни истаса, бунга, албатта, ишониши керак экан. Яқин келажақда (уч-беш йилгача) нималарга эришмоқчи эканингизни хаёлан тасаввур этсангиз ёки қоғозга туширсангиз, ўзингиздаги ва атрофингиздаги кучлар ўша мақсадни рўёбга чиқариш учун сафарбар этилади, дейди мутахассислар.

Ихлос — ҳалос




Кўзмунчоқ ёки туморлар, ростдан ҳам, одамни турли бало-қазолардан асрайдими? Беморга шифо берадиган табибнинг ғиёҳи эмас, балки ўз қалбидеги тузалиб кетишга бўлган ишончидир, деган ҳақимлар.

Замонавий психологлар ҳам бу борада қизиқ тажриба ўтказган. Оғир хасталарни ҳар кун бир жойга тўплаб, «Хадемай даво толиб, кўрмагандай бўлиб кетасизлар» мазмунидagi гапларни айтиб ўтираверибдилар. Уларга ишонмаган беморлар аста-секин кетиб, мижозлар сафи сийраклашаверибди. Ахир, чиндан ҳам, саноқли киши буткул соғайиб кетган экан. Ишончнинг кучини қаранг-да!

Аслида, ҳаммаси оддий: одамнинг онги танага қандай хабар жўнатса, барча ҳужайралар шунга қараб ишлайди. Ҳаётда бахонакаш касаллар бора-бора, ҳақиқатан, тузалмас дардга чалинганини кўп кўрганмиз-ку. «Бизга келганда дарёлар тескари оқур», дея ноллиб юрадиганлар — ўзларига ёмонлик соғинувчилардир. Нуқул омадсизлик ҳақида ўйлайвергандан кейин ҳаётдан яна нимаям кутиш мумкин?! Жамият учун соғлом мафкура қанчалик муҳим бўлса, алоҳида инсон учун ҳам тетик руҳият шунчалик зарур.

Инглиз тадқиқотчиси Адам Жексон «Саломатлигиниз — ўз қўлингизда» китобида чўғ устида яланг оёқ юрадиган одамлар ҳақида ёзиб, ақл кучи ҳар қандай оғриқни енгиб ўтишга қодирлигини таъкидлайди.

Табиат қонуни



Табиатда тортишиш қонуни бор. Коинотдаги тартибот, сайёралар ҳаракати, ердаги ҳаёт асосида шу қонуният туради — галактикалардан бошлаб энг митти зарраларгача бутун олам тортишиш кучига бўйсунди. Негача биз одамлар бундан хорж бўлишимиз керак?!

Табиат фарзанди — инсон ҳам ўзига нималарнидир тортиб, ўзидан нималарнидир итариши табиий-ку!

Бугун қанчадан-қанча физик қонуниятлар башари-ятга хизмат қилаяпти. Улардан фақатгина саноатда эмас, шахсий ҳаётимизда ҳам фойдаланишимиз мумкин. Хусусан, бутун олам тортишиш қонуни асосида яхшиликни ўзимизга жалб этсак, ёмонликни нари сурсак бу ҳаётда энг муҳими нима эканини англай олсак, очки қорадан ажрата билсак, орзуларимиз рўёбни бир-бир қўришимиз, умримизни эса сермазмун ўтказишимиз тайин. Яшаш санъатининг сиру синоати, аслида, шунда эмасмикан?

Жамила АСКАРОВА,
журналист

ШОТИРД ҲОМЎҒИ — ҲАММОЗ ҚУВОҲЧИ

Янги йил байрами яқинлашган сари ўтган бир йиллик умримизни сарҳисоб қила бошлаймиз: қандай хайрли ишларни амалга оширдик, эл-орт фаровонлиги, ёш авлод келажаги учун нималар қилдик, режалаштирган қайси йомушларимиз амалга ошмай қолди? Муваффақиятларимиз қанча кўп бўлса, кайфиятимиз ҳам шунчалик кўтаринки, эртанги кундан умидимиз ҳам шунчалик кучли...

Фарҳод МАННОПОВ, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг «Чизма тасвир» кафедраси муdiri:

— Институтда талабаларга дарс бериш билан бирга, мактаб ёшидаги болалар учун ҳам тўғрар олиб борамам. Шу йил бошида Акбарали исмли танишим келиб, «Хасан-Хусан фарзандларим ҳам акиси Комронбекка ҳавас қилиб, сизга шогирд тушмоқчи», деб қолди. Рози бўлдим. Дастлаб эгизакларнинг кичиги келди. Эртаси кунни берилган вазифани сўрасам, «Мен Хасанман, бугун биринчи марта келишим», дейди. Ака-укаларнинг бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаши анча вақт қалгиди. Бир муддат ўтгач, йигирмага яқин шогирдларим орасида Хасан ўз иқтидори билан яққол ажралиб

қолди. У чизган ранг-баранг расмлар хайратомуз ва жозибадор эди. Фантазияси бой бу болага алоҳида эътибор билан қарай бошладим. Бу йил «Мустақиллик мадҳи — болалар ижодида» республика кўрик-танловида «Озод ва обод Ватан» мавзусидаги ижодий иши билан иштирок этиб, учинчи ўринни қўлга киритди. Учтепа туманидаги 107-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси, шогирди Хасан Ҳамзаев шу йил Москвада ўтказилган халқаро болалар тасвирий санъат кўрик-танловида ҳам муносиб иштирок этди. Шогирдларимиз ютуғи — бизнинг ютуғимиз!

Муҳаррам КАМОЛОВА, Жондор туманидаги 2-ИДУМ ўқитувчиси: «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-тан-

ловининг халқ таълими йўналиши бўйича ғолиби:

— Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловида «Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга руҳият орқали йўл толамиз» мавзусидаги лойиҳа билан қатнашдим. Вилотиямидаги ўқувчилар орасида «Ўзингни англа» деб номланган психологик тест ўтказдик. «Қайси ўқитувчини кўрган-да хурсанд бўласиз?», «Мактабга тортидангиз ва тортимайдиган жиҳатлар», «Муаммолар гирдобидега қолганингизда кимга мурожаат қиласиз?», «Келажақда ким бўлмоқчисиз ва бунга имкониятингиз қандай?» каби саволлар орқали ўғил-қизларнинг руҳий оламидан хабардор бўлдик. Аниқланган муаммолар юзасидан психологлар билан маслаҳатлашган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга оширдик. Натижада ҳатто ота-оналари ҳам қайтара олмаётган айрим ўқувчилар тўғри йўлни танабб, бадий китоб ўқишга, касб-хунар ўрганишга киришдилар. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан,

ҳаётимда 2014 йил беиз кетмаганидан хурсандман.

Ҳадича АБЕЗОВА, Хонқа тумани ахборот-ресурс маркази раҳбари:

— 27 минг китоб фондига эга ахборот-ресурс марказимиз 5 мингга яқин китобхонга хизмат қилмоқда. 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилноза Сапоева фаол китобхонларимиздан. Уни китобхонга 5-синфда ўқиб юрган пайти онаси Онабиби опа етаклаб келганди. Шундан буюн бўш вақти бўлди дегунча марказимизга ошмади. Дилноза Сапоева билимлар беллашуви, «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси», «Ораста қизлар», «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» каби кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Бу йил эса «Йилнинг энг фаол китобхон оиласи» кўрик-танловида оилавий қатнашиб, республика босқичида энг юқори балл тўпладилар. Янги йилда мана шундай китобхонларимиз сафи янада кенгайсин, дейимиз.

Хасан МҲМИНОВ
ёзиб олди.

ҒАЛАБАЛАР ҒАЛАБАЛАРГА УЛАНАДИ!

Бунинг учун иқтидорли спортчиларимизга барча шароит яратилган

Йил поёнида, ҳар бир соҳада бўлгани каби, спортда эришилган натижалар, ютуқлар, медалларимизни сарҳисоб қиламиз. Кувонарлиси, мусобақаларда қўлга киритилган ютуқларни санаб адашиб кетамиз, рекордлару медалларни бир-бирига қўшиб чарчаймиз — улар жуда кўп-да!

Албатта, ушбу ютуқлар шунчаки қўлга киритилган йўқ, медаллар шодаси ўз-ўзидан спортчиларимиз бўйича тақиб қўйилмаяпти. Тинимсиз машғулотлар, ўз устида ишлаш, ирода ва зехн уйғунлиги спортга муҳаббат туйғуси туфайли ўғил-қизларимиз парвози тобора юксалмоқда. Чемпионларнинг янги авлодини шакллантиришдек езгу мақсадлар учун давлатимиз томонидан муҳайё қилинган шароитлар, имкониятларни эса дунёнинг исталган мамлакатига намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлан-

ган тантанали маросимдаги табрик сўзида турли ил-гор соҳалар қатори спорт бўйича ҳам ватанимиз байроғини баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмаслигини намойён этаётган ўғил-қизларимизга мурожаат этиб: «Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман.

Ёшлар ҳақида қанча гапирсам, чарчамайман, бу ҳақда гапирганда, очигини айтсам, ўзимни ҳам худди яшариб кетгандек ҳис қиламан», деди.

Чиндан ҳам, спортчи ёшларимиз, айниқса, юртимизнинг шахару қишлоқларида болалар спортини ривожлантиришга берилётган бемисл эътибор ва

ғамхўрлик туфайли юзага чиқаётган иқтидорлар, улар жаҳон майдонларида қўлга киритаётган оламшумул натижалар ҳар биримизни кувонтиради, дилларга ғажуру ифтихор бахш этади.

Республикаимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган замонавий спорт базалари — муҳташам спорт иншоотлари ва уларда яратилган шароитлар жаҳон спорт жамоатчилиги эътиборини тортмоқда. Пировардида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қарши сингари шаҳарларимизда бир қатор нуфузли халқаро турнирлар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ўтказилди.

Қуйида эътиборингизга 2014 йил давомида юртимизда ва хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда юртдошларимиз қўлга киритган улкан муваффақиятлар ҳақидаги маълумотларни ҳавола этмоқдамиз.

Sarkhisob

Январда

✓ Тошкент шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ёш полковлар ўртасида 10та вазн тоифасида ўтказилган халқаро мусобақа спортчиларимиз учун 2014 йилнинг май ойида Таиландда бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати саралаш турнири ва август ойида Хитойда кечган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида тайёргарлик вазифасини ўтади.

✓ Бангкок шаҳрида бокс бўйича Ҳалқаро ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 2 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза — жами 8та медал қамгарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Февралда

✓ Хитойда енгил атлетика бўйича ёш иншоотларидаги VI Осиё чемпионати ўтказилди ва унда Ўзбекистон терма жамоаси 3 олтин, 4 кумуш, 1 бронза — жами 8та медал билан умумжамоа ҳисобида 4-ўридан жой олди.

✓ Ўзбекистонлик спортчилар 2014 йилнинг 7—23 февраль кунлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган XXII қишқи Олимпия ўйинларида иштирок этди.

✓ Дубай шаҳрида паралимпиячилар ўртасида ўтган енгил атлетика бўйича Гран-при турнирининг 1500 метр масофага югуриш баҳсида ҳамюртимиз Фахриддин Ҳамроев 4 дақиқаю 03,94 сония натижа билан шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди ва Осиёнинг янги рекордини ўрнатди.

✓ Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган каратэ бўйича болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги Осиё кубоги мусобақасида спортчиларимиз 9 олтин ҳамда 2тадан кумуш ва бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Мартда

✓ Халқаро гроссмейстер Нафиса Муминова Вьетнамдаги халқаро турнирнинг хотин-қизлар баҳсида 1-ўринни эгаллади.

✓ Москва шаҳрида IV «HDBank Cup International Open Chess Tournament—2014» халқаро турнири доирасида ўтказилган жанговар самбо бўйича жаҳон суперкубоги мусобақасида истеъдодли самбочимиз Ислоҳжон Азимов (100 кг) олтин медални қўлга киритди.

Апрелда

✓ Тошкентда кечган спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Осиё чемпионатида спортчиларимиз ўсмирлар ўртасидаги II Олим-



пия ўйинларига 2та йўлланма олди. Айнан мазкур мусобақада Турдихон Исломова ва Темур Қодиров сингари иқтидорли ёшларимиз кашф этилди.

✓ Қарши шаҳрида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақасининг жуфтлик баҳсларида ҳамюртимиз Альбина Хабибуллина украиналик Анастасия Васильева билан ҳамкорликда ўйнаб, беш совринни қўлга киритди.

✓ Остона шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 1 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медал эгаси бўлди.

✓ София шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аззолари 1 олтин ва 1 кумуш, 2 бронза медал жамгарди. Ягона олтин медал соҳиби йил кашфиётларидан бири Бектемир Мелиқўзиев бўлди.

Майда

✓ Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Профессинал теннисчилар уюшмаси (АТР)нинг анғанавий «Челленжер» халқаро турнири яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов ғалаба қозонди.

✓ Бангкок шаҳрида ўтказилган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўзбекистонлик ёш курашчилар 1 кумуш ва 11 бронза медалга эга бўлди.

✓ Хошимин шаҳри (Вьетнам)да мини футбол бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси бронза медални қўлга киритди.

✓ Наманган шаҳрида юртимиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «кичик олимпиада» деб ном олган

«Баркамол авлод—2014» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Июнда

✓ Тошкент шаҳрида 6—12 ёшли шахматчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз ёшлари 6 олтин, тўрттадан кумуш ва бронза медал жамгариб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

✓ Ал-Айн шаҳри (БАА)да кечган Осиё шахмат федерацияси йиғилишида, 2013 йилги мавсум якунларига қўра, ҳамюртимиз Баҳора Абдусатторова Осиёнинг «Энг яхши ёш шахматчиси» номинацияси ғолиби бўлди.

✓ Бухоро шаҳри мезбонлик қилган теннис бўйича Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақасида тажрибали теннисчимиз Оқғул Омонмуродова яккалик баҳсларида ғалаба қозониб, бош совринга эга бўлди.

✓ Кавала шаҳри (Греция)да мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар ғалаба қозонди.

✓ Фарғона шаҳрида кечган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақасида вақилимиз Нигина Абдураимова бош соврин соҳиби бўлди.

Июлда

✓ Ўзбекистонлик ФИФА рефери Равшан Эрматов футбол бўйича жаҳон чемпионати финал босқичларида 9 учрашувни бошқарган ягона ҳакамга айланди. Равшан Эрматовнинг дунё ареналарида ватанимиз шарафини улуғлашга қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, унга Президентимиз фармони билан «Эл-юрт ҳўрмати» ордени берилди. Йил якунида эса ОФК эътирофига қўра, бешинчи мартаба «Осиёнинг энг яхши ҳаками» бўлди.

Августда

✓ Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 ёш спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медал жамгарди.

Сентябрда

✓ Тошкент шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юнон-рум кураши бўйича юртдошимиз Элмурод Тасмуродов (59 кг) шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Октябрда

✓ Инчон шаҳрида ўтказилган XVII ёш Осиё ўйинларида терма жамоамиз аззолари спортнинг 31 турида иштирок этиб, 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза — жами 44 медал жамгарди.

✓ Мьянмада 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида Равшан Ҳайдаров мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2015 йил Янги Зеландияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Ноябрда

✓ Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган Параспортс ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган 27 спортчи 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза медал соҳиби бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

✓ Тошкент шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати ва III Осиё кубоги мусобақасида вақилиларимиз муваффақиятли қатнашди.

Декабрда

✓ Боярскский шаҳри (Россия)да бокс бўйича ўтказилган жаҳон кубогида Ўзбекистон терма жамоаси аззолари 2 тадан олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

✓ Бразилияда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Жавоҳир Синдоров олтин, 7 ёшгача бўлган болалар ўртасида эса Исломбек Синдоров бронза медални қўлга киритди.

Ҳа, 2014 йили ўтказилган мусобақалар ва ютуқлар аслида бундан анча-мунча кўп. Иқтидорли спортчиларимиз эришяётган ютуқлар, албатта, халқимиз ва Юртбошимиз эътиборида. Бу эътибор спортчиларимизни 2015 йилда бундан ҳам баланд марраларни эгаллашга ундайди. Шохсупаларда қўришгунча омон бўлинг!

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



«НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ»

ХУДУДИЙ
АКЦИЯДОРЛИК
БИРЛАШМАСИ

Жонажон Ўзбекистонимиз
аҳолисини, мамлакатимиз
пахта ва ғалма хирмонини
юксалтириш йўлида меҳнат
қилаётган барча фермерларни,
пахтани қайта ишлаш саноати
корхоналари ишчи-хизматчиларини,
акциядорларимизни
янги—2015 йил билан

самимий кутлаймиз!
Янги йил оилаларингизга
кут-барака келтирсин!



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1224. Tiraj 38969.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ТЕЛЕФОНЛАР:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Ў'zА yakuni — 20.50 Topshirildi — 22.00

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.